Чигит экишни сифатли тамомлаб, уни бир текис ундириб олиш ва ғўза парваришини кучайтириб юбориш учун курашайлик!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 77 (1339)
18 АПРЕЛЬ
ШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯ — ПАХТАЧИЛИКНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ

Н. Меламед ишлаган расм.

Қурилиш ишларини янги талаблар даражасига кўтарайлик

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига — коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириб юбориш даврига қадам қўйди. Ҳамма ерда — завод ва фабрикаларда, транспорт ва қурилиш ташкилотларида, колхоз ҳамда совхоз далаларида ана шу тарихий процессни тезлаштириш, КПСС XXI съезди белгилаб берган ғоят катта программани муваффақият билан амалга ошириш учун бошланган кураш тобора кенг қулоч ёйиб, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда.

Етти йилликда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан бир қаторда қурилиш индустриясининг кўп сонли армияси олдида ҳам ғоят катта вазифалар турибди. Социалистик экономикамизни тағин ҳам зўр бериб ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган программанинг бажарилиши кўп жиҳатдан бинокорларимизнинг қайдаражада ишлашларига боғлиқдир. Чунки белгиланган саноат ва маданий-маиший объектлар қанчалик тез ва қисқа муддат ичида битказилиб фойдаланишга топширилса, экономикамиз ҳам, маданиятимиз ҳам шунчалик тез юксалаберади, бинобарин меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ҳам шунчалик яхшиланаборади.

Тошкент области капитал маблағ сарфлаш ҳажми жиҳатидан республикамизда етакчи ўринни эгаллайди. 1959—1965 йиллар мобайнида область халқ хўжалигига 12,9 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йилда қурувчиларимиз олдида катта ва шарафли вазифалар турибди. Улар 1958 йилдагига нисбатан 173 миллион сўмлик ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари, ўтган йилдагидан 51 минг квадрат метр кўп уй-жой маиший фойдаланишга топширишлари, 30 дан ортиқ мактаб бинолари, болалар боғчалари ва ясли-ларини қуриб битказишлари лозим. Шунингдек, саноат объектлари қурилиши соҳасида ҳам муҳим вазифалар турибди.

Областимиз бинокорлари ҳам 1959 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Қурилиш ташкилотларида 72 та бригада коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашмоқда. Муттасил юқори кўрсаткичларга эришаётган 20 бригада коллективига ҳозирнинг ўзидаёқ ана шундай фахрли ном берилди. Қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларининг коллективлари қурилишлар муддатини қисқартириш, бино ва иншоотларни ўз муддатида битказиш, уларнинг сифатини яхшилаш, қимматини пасайтиришга имкон берувчи янги-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар.

Лекин шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, умуман олганда обрий кам бажарилган эди. Афсуски, главка раҳбарлари (бошлиғи Ўртоқ Скребнев) бу аччиқ сабоқлардан шу пайтгача тегишли хулоса чиқариб олганларича йўқ. Шунинг учун ўтган йилги кўпгина камчиликлар бу йил ҳам айнан такрорланмоқда. Шунинг оқибатида биринчи квартал топшириғи бажарилмай қолди.

«Главташкентстрой»нинг бу қадар қониқарсиз ишлаётганлигига сабаб шуки, қурилиш объектларида ишлаб чиқариш ва меҳнатни тўғри ташкил этиш, мавжуд машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланиш, бинокорларни ўз вақтида ва етарли миқдорда қурилиш материаллари билан таъмин этиш каби жуда муҳим масалалар билан трест бошлиқлари етарли даражада шуғулланмаётирлар. Кўпгина объектларда, ҳатто Чилонзор массивидаги қурилишларда ҳам эскирган технология қўлланилмоқда, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, коллективлар ўртасида социалистик мусобақани уюштириш юзаки ташкил этилган. Главка раҳбарлари ҳар бир объектдаги камчиликларни чуқур ва ҳар тарафлама ўрганишлари ва уларни тугатиш учун амалий чоралар кўришлари керак.

Қурилиш индустрияси олдига қўйилаётган ғоят катта талаблар ўз навбатида лойиҳалаш ташкилотлари ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари коллективлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди. Типовой проектларни стандартлаштириш, ортиқча ҳаражатларни қисқартириш, қурилиш индустрияси учун кенг йўл очиб бериш — лойиҳалаш ташкилотларимизнинг жонажон ишидир. Лойиҳалар тузилаётганида темир-бетон конструкциялар ва йирик блокларни қўлланиш, айниқса маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш зарурлигига жиддий эътибор бериш керак.

Ишлаб чиқариш иншоотларини тезроқ ишга тушириш ҳамда битмай қолган қурилиш объектлари сонини камайтириш — маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг доимо диққат марказида бўлсин. Қурилиш индустриясини тағин ҳам ривожлантиришга, йирик панел ва блокларни кенг қўлланишга, олдиндан таранг қилиб тортилган арматурадан ҳамда бошқа яхши самара берадиган материаллардан ва конструкциялардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш лозим. Бино ва иншоотлар оғирлигини камайтириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш ва прогрессив технологияни кенг қўлланиш йўли билан ҳар бир қурилиш участкасида меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш зарур.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бевосита қурилиш участкаларининг ўзида илғор иш методларини кўрсатиш йўли билан ҳамда илғор тажриба мактаблари ва техника кабинетлари орқали бинокорларнинг малакасини оширишлари, янгиликларни ўз вақтида пайқаб олиб, уни қўллаб-қувватлашлари, рационализатор ва ихтирочиларга доимий ёрдам кўрсатишлари, уларни рағбатлантиришлари лозим.

—Совет бинокорлари! Янги саноат корхоналарини, уй-жой биноларини, касалхоналарни, мактабларни ва болалар муассасаларини қуриш суръатларини тезлатингиз ва сифатини яхшилангиз, қурилиш қимматини камайтирингиз! Қурилишнинг индустриал методларини кенг жорий қилингиз!

УРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ «КАПИТАЛИЗМ БИЛАН ТИНЧ МУСОБАҚАДА ҒАЛАБА САРИ» НОМЛИ КИТОБИ БОСИЛИБ ЧИҚДИ

Давлат сиёсий адабиёт нашриёти Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Капитализм билан тинч мусобақада ғалаба сари» номли китобини босиб чиқарди.

Жуда кўп китобхонларнинг таклифларини эътиборга олиб, нашриёт томонидан тайёрланган бу тўплам Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР ташқи сиёсати ва халқаро аҳвол масалалари юзасидан 1958 йилда сўзлаган нутқларини, Венгрия, Болгария ва Германия Демократик Республикасида бўлган вақтида сўзлаган нутқларини, чет эл журналистлари билан суҳбатларини, Америка, Польша, Италия, Ғарбий Германия, Греция, Мексика ва бошқа мамлакатларда чиқадиган газета ва журналлар мухбирларининг саволларига жавобларини, чет эл арбобларига ёзган мактубларини ҳамда бошқа материалларни ўз ичига олган.

Китоб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг ленинча ташқи сиёсатини ёрқин ифода қилиб беради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг тўпламга кирган нутқ ва сўзларида ҳозирги халқаро вазиятнинг энг муҳим проблемалари анализ қилинган.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Совет Иттифоқининг мустақиллик йўлига тушган ёки ўз озодлиги учун курашаётган Шарқ халқлари билан мустаҳкамланиб бораётган дўстлигига бағишланган нутқлари халқлар дўстлиги ва барча тинчликсевар кучларнинг жипслигидан иборат олижаноб идеялар руҳи билан суғорилган.

Тўпламдаги материаллар совет халқининг ва барча халқ демократияси мамлакатларидаги меҳнаткашларнинг умри тугаб бораётган капитализм системаси билан тинч мусобақада социализмнинг ғоят катта устунликларига бўлган қатъий ишончидан далолат беради.

Тўплам кўп нусхада нашр этилди.

ҒАНИШЕР ЮНУСОВ БРИГАДАСИНИНГ ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

Гектаридан 40 центнердан пахта берамиз

Республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна пахта ҳосили етказиб бериш юзасидан умумхалқ ҳаракатини бошлаб юбордилар. Бу аҳднинг уддасидан чиқишда, пахтачиликни ривожлантиришда тюпкочи трактор-далачилик бригадалари катта роль ўйнайди. Мен ҳам бу ҳаракатга қўшилдим. Колхоз правлениеси бригадамизга 91 гектар ер биркитди, 23 колхозчи билан ишга киришдик.

Жонажон партиямиз XXI съезди қарорлари бригадамиз аъзоларини янги ютуқларга эришишга илҳомлантираётган бир пайтда Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ғанишер Юнусовнинг 50 центнерчилар ҳаракатини кучайтириш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббуси газетада эълон қилинди. Бу бизнинг ҳам ғайрат-ташаббусимизни оширди. Машҳур пахтакорнинг хатини муҳокама қилдик ва пландаги 25 ўрнига гектаридан 40 центнердан пахта етиштиришга қарор бердик.

Бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳосилдорликни ошириш, бир қарич ерни ҳам бўш қолдирмай, гектарида белгиланган миқдорда ғўза туплари бўлишини таъминлаш мақсадида ҳозирдан пухта замин тайёрлашга киришдик. Биз 40 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экишни ва 50 гектар майдондаги пахтани машинада теришни планлаштирдик.

Шу кунларда охирги гектарларга чигит экаётирмиз. Звено бошлиқлари — тракторчи С. Мардолқулов, Т. Шодмонов, сеялкачилардан М. Раҳмонов, Х. Тўғузов ўртоқлар социалистик мусобақа асосида ишлаб, чигит экишда намуна бўлмоқдалар.

Бригадамиз аъзолари сифатли тайёрланган ва тупроғи етилган ерларга чигитни эрта экиб, текис ундириб олиш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Экилган ерларда пайдо бўлган қатқалоқни тугатаётирмиз. Чигит тезроқ униб чиқиши учун катор ораларига тўғ сепаяпмиз. Биз 1 Май байрамини ғўза парваришини кучайтириш билан кутиб оламиз. Ғўзанинг агротехника қоидаларига мувофиқ ўз вақтида юқори сифатли парвариш қилинишига алоҳида аҳамият берамиз. Ўсимликни барвақт озиқлантириб, ер шароити ва талабига қараб суғорамиз. Квадрат-уялаб жойлаштирилган ғўзалар икки томонлама парвариш қилинади, давлатга 364 тонна пахта етказиб бериб, умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

М. ЮСУФАЛИЕВ,
Оққўрғон районидаги Жданов номли колхознинг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи.

Ғўза парваришини бошлаб юбордилар

ОҚҚЎРҒОН. (Телефон орқали олинди). «Ленинобод» колхозида бу йил 700 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириш мажбурияти олинган. Колхоз аъзолари бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун чигит экишга пухта тайёргарлик билан киришдилар. Ҳозиргача 500 гектардан ортиқ ерга сифатли қилиб чигит экилди.

Колхозда бу йил 280 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш ва асосий майдонлардаги ғўзани икки томонлама парвариш қилишга аҳд қилинган. Шунингдек 120 гектар ердаги пахтани машина билан териб олиш планлаштирилган.

Бу соҳадаги ишларнинг бажарилишида трактор-далачилик бригадалари катта роль ўйнамоқдалар. Колхознинг Ўртоқ Пўлатхўжа Тошхўжаев бошлиқ трактор-далачилик бригадасида 95 гектар ернинг ҳаммасига колхозда биринчи бўлиб чигит экиб тамомланди. Шундан 70 гектар ерга режа сими тортиб квадрат-уялаб чигит экилган эди. Фидокорона меҳнатнинг дастлабки самаралари кўзга ташлана бошлади. Бригаданинг 12 гектарлик картасида дастлабки экилган чигитлар бир текис ёппасига униб чиқди. Колхозчилар ғўзанинг дастлабки парваришини бошлаб юбордилар.

«Оққўрғон» совхозининг коммунист ўртоқ Отажон Хўжаев бошлиқ 7-бўлимида ҳам 520 гектар ерга чигит экиб бўлинди. Ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган бўлим коллективи механизациядан кенг фойдаланиш мақсадида 370 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экди.

Бўлимнинг комсомол аъзоси ўртоқ Сайидмурод Ҳайитқўзиев бошлиқ трактор-далачилик бригадасида чигит экиш бундан 10 кун илгари тамомланган эди. Ҳозир чигит ялпи униб чиқа бошлади.

Совхозда бу йил 5500 гектар ерга чигит экилади. Ҳозир сўнги гектарларга чигит экилмоқда. Чигит барвақт экилиб, униб чиқа бошлаган ҳамма карталарда ғўза парваришини бошлаб юбориш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Илғор бригадалар чигит экишни тамомламоқдалар

МИРЗАЧЎЛ. Ленин номли колхознинг Ўртоқ Сора Шодмонова бошлиқ бригадаси аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан 28,5 центнердан ҳосил йиғиб олган эдилар. Бу йил бригада аъзолари Ғанишер Юнусов бошлаб берган 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, 95 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Коммунист Ўртоқ Шодмонова бошлиқ бригада аъзолари 16 апрелда колхозда биринчи бўлиб квадрат-уялаб чигит экишни тамомладилар.

Эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилган Комил Шокиров, Соиб Сулаймонов ўртоқлар ҳам чигит экишни тамомладилар.

«Октябрь» колхозининг Мамажон Султонов бошлиқ бригадасида 95 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил Мамажон Султонов ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириш, маккажўхори, бедадан ҳам юқори ҳосил олиш юзасидан конкрет мажбурият олди, Ғанишер Юнусов билан учрашиб унинг ташаббусига қўшилди.

Шу колхознинг Бердивали Абдуллаев бошлиқ бригадаси ҳам 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, барча ер майдонига квадрат-уялаб чигит экиб бўлди.

Райондаги колхозларда чигит экиш билан бир вақтда, ҳашаротга қарши кураш ҳам давом эттирилмоқда.

Ленин номли колхоз химизаторлари айниқса ҳашаротга қарши курашни қизитиб юбордилар. Ҳашаротга қарши курашда Ўртоқ Пётр Назаров намунали ишламоқда, ОДН билан ер ўрталарига ва карта четларига дори сепмоқда.

Ҳашаротга қарши бошланган бу яхши ҳаракатни кенг ёйиш керак.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Ғанишер бригадасида яшил квадратлар ҳосил бўлди

ГУЛИСТОН. Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов бошлиқ бригада аъзолари бу йил 80 гектар ерда ғўза ўстириб, ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил топшириш ташаббусини бошлаб юборганликлари ҳамма ерда маълум.

Ҳозир Ғанишер Юнусов бошлиқ бригаданинг квадрат-уялаб чигит экилган 23 гектар картасида чигит текис униб чиқиб, яшил квадратлар ҳосил бўлди. Бу, ҳалол меҳнатнинг дастлабки самарасидир.

Бригада аъзолари барча майдонларга сифатли қилиб чигит экиш, уни текис ундириб олиб, ғўзанинг биринчи цикл парваришини бошлаб юбориш учун курашмоқдалар.

К. ИКРОМОВ.

Область колхоз ва совхозларида чигит, маккажўхори ва оқжўхори экишнинг бориши тўғрисида 1959 йил 17 апрелгача бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Экилган чигитнинг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Экилган маккажўхори ва оқжўхорининг ҳаммаси	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш
Оққўрғон	65,3	63,8	57,1	15,3
Боёвут	39,8	35,3	40,6	41,5
Бекобод	53,2	53,5	68,8	41,4
Бўка	55,9	30,8	73,4	21,8
Верхне-волинск	42,2	43,8	43,0	54,1
Юқори Чирчиқ	48,0	23,2	43,3	17,3
Гулистон	44,5	39,3	45,5	38,0
Мирзачўл	30,4	32,3	27,4	26,9
Қуйи Чирчиқ	72,6	78,3	53,5	46,0
Оржоникидзе	64,6	43,5	57,5	90,0
Пискент	55,2	27,0	49,6	13,2
Ўрта Чирчиқ	49,5	30,3	42,3	18,0
Сирдарё	50,4	31,2	31,4	32,1
Чиноз	63,6	44,0	21,6	8,9
Янгийўл	70,7	59,8	61,1	36,4
Бўстонлиқ	—	—	38,7	23,3
Калинин	—	—	39,8	—
Қорасув	—	—	22,9	30,6
Паркент	—	—	19,8	1,2
Тошкент	—	—	25,4	20,0
Олмалиқ шаҳри	—	—	—	—
Оҳангарон шаҳри	—	—	4,8	0,6
Янгиер шаҳри	—	—	55,7	17,1

Улар нега бошларини қашиб қолишди

Бригада бошлиғи Шариф Хушназаров бугун жуда ҳам хурсанд. Чунки бригадада квадрат-уялаб чигит экишни бошлашмоқчи. «Экипаж аъзолари шай». Ўртоқ Ўсар Ғаниев астойдил белини боғлаб, универсал рулига ўтирган.

Бригадир «ҳосилимиз мўл бўлсин» деб ишга муваффақият тилади-ю, универсалчи педални босди. Ҳай-ҳай, ана шундан кейинги ҳангомаларни кўринг! Контролер нимани қилишини билмай, бошини қашиди, режа сими тортувчилар ҳам бир-бирларига қараб тажанг бўлиб қолишди.

Ажабо, нега булар ана шундай кўнгилсиз аҳволга тушиб қолишди, нега янги усулда чигит экишни эплай олишмаяпти?!

Сув бошидан лойқа бўлгандан кейин оқибати мана шунақа бўлади: бригадада йил бошидан «Биз квадрат-уялаб чигит экамиз, механизацияни кенг қўлланамиз», деб лоф урилди, ваъдалар берилди. Аммо айтилган гапнинг уддасидан чиқиш учун экишга ҳеч қандай тайёргарлик кўрилмади. Экипаж аъзолари назарий билим олмаганларидан кейин квадрат-уялаб чигит экиш машғулотлари бирон марта бўлса ҳам ўтказилмагандан кейин қандай қилиб ҳам бу соҳада ишни дўндириб бўларди дейсиз.

Аввало ҳамма айб участка агрономи Ўртоқ Абдулла Қурбоновда! Чунки у ўз зиммасига юклатилган вазифага совуққонлик билан қараб келди. «Ҳали вақт эрта. Ўқитамиз, боплаб ташлаймиз» деб ялло қилиб юраверди. Натижада оқибат шу бўлди! Бригада бошлиғи ҳам, экипаж аъзолари, универсалчи ҳам роса икки соат уриниб, аранг ярим гектар ерга «квадрат-уялаб чигит экишди».

Механик Ўртоқ Сергей Ворлаковнинг ҳафсаласига ҳам «қойил» қолиш керак. У шу бригадада ишлатилиб, ҳозиргина экишнинг сифатини бузган универсалнинг техника жиҳатидан тўла ускунаналмаганлигини бирон марта бўлса ҳам текшириб кўрмаган. Агар у экиш бошланганда мана шундай бармоқ тишлаб қолишини лоақал ўйлаб кўрганида эди, бундай камчиликка йўл қўймаган бўларди.

Яна шуниси қизиққи, универсалчи Ўсар Ғаниевнинг ўзи трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи экан. Унинг ўзига ажратилган ер, ўзига берилган план бор. Нега энди Ўсар Ғаниев ўз ерида чигит экишни бошламасдан Шариф Хушназаров бригадасига юборилди. Қани энди трактор-далачилик бригадаси тузиб, унга амал қилингани?

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг барча бригадаларида ҳам квадрат-уялаб чигит экишнинг, умуман чигит экишнинг сифати ана шундай. Бир бригадада тўғри квадратлар ҳосил қилинмаётган бўлса, иккинчи бригадада оддий усулда чигит экишнинг ҳам сифати бузилмоқда.

Колхознинг Ўртоқ Жонбой Марқабоев бошлиқ бригадаси чигит экишда энг орқада қолмоқда. Хўш, бунинг сабаби қаерда? Ёки ер тайёр эмасми? Участка агрономи Ўртоқ Абдулла Қурбоновнинг айтишича, ҳамма нарса тайёр-у, фақат бир нарса етишмас экан.

— Хўш нима етишмайди? — сўрадик биз.

— Универсалчи етишмайди, — жавоб берди у.

— Энди қандай тадбир кўрмоқчисизлар?

— Жўра Арзбов деган универсалчи чорвачиликда ишлаяпти, ўша кишини қайтадан тракторчиликка ўтказмоқчимиз.

Мана сизга жавоб! Ўртоқ Турсунбой Қалинбетов бошлиқ бригадада аҳвол бундан ҳам ачинарли.

Ўртоқ Қосимбек Саидбеков раислик қилаётган бу колхозда 400 гектардан ортиқ ерга квадрат-уялаб чигит экиш планлаштирилган. Аммо бу план қоғозда қолиб кетаяпти. Ҳозирги экиш бошланган кунларда Шариф Хушназаров бошлиқ бригададагидек бошларини қашиб қолган бригадалар янги усулни қўйиб, ноилож оддий усулда чигит экишга мажбур бўлмоқдалар.

Райондаги Карл Маркс номли колхозда ҳам чигит экишнинг сифати бузилаяпти. Буни биргина мисолда очиқ-ойдин кўриш мумкин: колхозда Баҳринисо Нурматова бошлиқ трактор-далачилик бригадаси тузилган. Бу бригадага 66 гектар ер, 51 ишчи кучи ажратиб берилган. Ана сизга трактор-далачилик бригадаси! Бир кишига бир гектардан сал ортиқроқ ер тўғри келар экан-у, номи баландпарвоз экан. Ана шу бригадада 30 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилиши керак эди. Бу муҳим ишга доимо ер ҳайдашда ишлаб, бирор марта ҳам чигит экмаган универсалчи тайинланган. У чигит эккан карталарни бир тамоша қилсангиз эди; айрим уяларда чигит кўмилмай юзада қолган, айрим уяларда эса чигит 3-4 сантиметр ўрнига 7-8 сантиметр чуқурликка тушган.

Райондаги «Коммунизм», Энгельс номли колхозларда ҳам чигитни сифатсиз экиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. «Коммунизм» колхозининг 16-бригадасида йирик карталарга чигит 3-4 сантиметр ўрнига 5-6 сантиметр чуқурликда экилган. Энгельс номли колхознинг Ағалиев бошлиқ бригадасида эса ер яхши текисланмасдан экиш бошланганлиги сабабли чигит юзада қолган. Бундан район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи Зокиров ва бош агрономи Содиқов ўртоқлар «хабардорлар». Бироқ улар ҳам ўз вақтида чора кўрмаётирлар.

Районнинг Сталин номли, Киров номли, Свердлов номли колхозларида чигит экиш белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказилмоқда. Бошқа колхозларнинг раҳбарлари ана шу илғор колхозларнинг намунали ишларидан ўрнак олиб, ўз ишларида кескин бурилиш ясашлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
З. ҚУРТНЕЗИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» ва «Янгийўл» газеталарининг рейд бригадаси.



АГРОНОМ: — Мана бизнинг яшил квадратларимиз!

Йиллик планни муддатидан илгари бажарамиз!

Тошкент область ижроия комитети саноат бошқармаси корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг 1959 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятлари

Область ижроия комитети саноат бошқармаси корхоналарининг коллективлари етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йил планини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар. Тошкент шаҳар ижроия комитети саноат бошқармасига қарашли корхоналар коллективларининг социалистик мусобақани кучайтириш ҳақидаги чақириғи қабул қилинди.

Қуйидаги мажбуриятлар олинди: ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 20 декабргача бажариш, пландан ташқари 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 0,5 процент ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 500 минг сўм тежаш.

Бир ярим минг квадрат метр ҳажмдаги ишлаб чиқариш майдонини фойдаланишга топшириш, янги хил буюмлар — темир-бетон блоклар, говак гишт, секцияли ва кичик габаритли мебель, миллий пойафзал, чўян қуйилмалари, қурилиш фурнитураси, жаккорддан тўқилган болалар гиламчалари, мўйнадан тикилган болалар пўстинлари, пластмасс галантерия буюмлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уйларни газ билан иситадиган ускуналар ишлаб чиқаришга тайёргарликни бошлаб юборишга қарор қилинди.

1959—1961 йиллар мобайнида район, шаҳар саноат комбинатлари базасида маълум профилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барпо қилиш йўли билан ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва ихтисослаштиришни тугаллаш мўлжалланди.

Айрим корхоналар бўйича қуйидаги мажбуриятлар қабул қилинди:

Бинокорлик материаллари комбинати бўйича—йиллик давлат планини 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Қуйилмалар, темир-терсак буюмлар ва маҳаллий хомашёдан тайёрланган қурук бўёқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Тикув-пойафзал фабрикаси бўйича—йиллик планни 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Мебель фабрикаси бўйича — планни 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Кичик габаритли мебель ва Ригадаги мебель фабрикаси тайёрлаётган типдаги сервантларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Чирчиқ шаҳар саноат комбинати бўйича — йиллик планни 15 декабргача бажариш ва пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Қурилиш фурнитураси, елимлаш усули билан кўплаб хотин-қизлар пойафзали ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Бекободдаги 2-заводлар бошқармаси бўйича — ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 15 декабргача бажариш ва пландан ташқари 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Қурилиш фурнитурасини кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Сирдарё район саноат комбинати бўйича — ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат планини 15 декабргача бажариш ва пландан ташқари 300 минг дона гишт ишлаб чиқариш.

Урта Чирчиқ район саноат комбинати бўйича—ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 200 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқариш.

Янгийўлдаги тикув-галантерия фабрикаси бўйича — ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Жаккорддан чойшаблар ва болалар гиламчалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Трикотаж ва резина-техника буюмлари комбинати бўйича — ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Ўзбекча калош ва трикотаж ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Чиноздаги бинокорлик материаллари заводи бўйича — ялпи ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик планини 20 декабргача бажариш, пландан ташқари 300 минг дона пишиқ гишт етказиб бериш.

Бўстонлиқдаги мармар-керамика заводи бўйича — ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 15 декабргача бажариш ва пландан ташқари 80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Маҳаллий хомашёдан бўёқлар тайёрлашни ўзлаштириш.

Янгийўл нон заводи бўйича — йиллик планни 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Олмалиқ нон заводи бўйича — йиллик планни 25 декабргача бажариш ва пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Оҳангарон нон заводи бўйича — йиллик планни 27 декабргача бажариш ва пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Бекобод нон заводи бўйича — йиллик планни 20 декабргача бажариш ва пландан ташқари 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Чирчиқ нон заводи бўйича — йиллик планни 27 декабргача бажариш ва пландан ташқари 240 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Саноат бошқармасининг бошқа корхоналари бўйича йиллик планни 20 декабргача бажариш.

Тошкент область ижроия комитети саноат бошқармаси корхоналари коллективлари Фарғона область ижроия комитети соноат бошқармаси корхоналари коллективларини социалистик мусобақага чақирадилар.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ҚАСАБА СОЮЗИ РЕСПУБЛИКА КОМИТЕТИНИНГ IV ПЛЕНУМИ

Кеча 17 апрелда Тошкент олимлар Уйида маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда комитет раиси Ўртоқ А. Иброҳимов «СССР касаба союзлари XII съезди қарорларини амалга ошириш да маданият ходимлари касаба союз ташкилотларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Пленум қатнашчилари бу масалани кенг муҳокама қилдилар. Музокараларда ҳаммаси бўлиб 13 киши қатнашди. Пленум кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

ҚУРИЛИШЛАРДА ЙИҒМА ТЕМИР-БЕТОННИ КЕНГ ҚЎЛЛАНАЙЛИК!

РЕПОРТАЖ

Бу ерда йиғма уйлар тайёрланади



Комбинатнинг бош корпуси.

Шўх Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги кенг майдонда қурилиш ишлари авжига чиққан. Қаёққа қараманг, қад кўтараётган объектларни, ишлаётган бинокорларни кўрасиз. Автомашиналар ҳаракати бир дақиқа ҳам тинмайди. Траншеялар, пойдевор котлованлари, канализация йўллари қазиётган экскаваторлар, бинокорлар ишини енгиллаштираётган кўтарма кранлар овози ҳамма ёқни тутиб кетган. Ҳа шундай, Қўйлиқда биринчи йирик панеллардан уйлар тайёрлайдиган комбинат қад кўтармоқда.

— Объектимиз етти йилликнинг йирик қурилишларидан бири ҳисобланади, — дейди қурилиш бош инженери Николай Викторович Бухвостов. — Қурилиш ишларини ўтган йилнинг ноябрида бошлаган эдик. Бу йирик корхонада тайёр уйлар ишлаб чиқарилади. Бунда ҳар йили йирик темир-бетон панеллардан иборат бўлган 4 қаватли турар-жой биноларидан 100 минг квадрат метр ҳажмида тайёрланади. Корхонада деярлик барча иш процесслари механизациялашган ва автоматлашган бўлади.

Илғор электр пайвандчи ўртоқ Б. И. Нестеров

— Бинокорларимиз, — дейди сўзини давом эттирди Николай Викторович, — комбинатни етти йилликнинг биринчи йили охирига ишга туширишлари керак эди. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, қурилиш ишларини Улуғ Октябрь байрамининг 42 йиллигигача тамомила тугатиш ва корхонани фойдаланишга топшириш ҳақида оширилган мажбурият олдик.

...Комбинатнинг асосий ишлаб чиқариш корпуси қурилишининг энг йирик объекти ҳисобланади. У деярлик 2 гектарга яқин майдонни эгаллайди. Унинг бир қаторда қад кўтариб турган салобатли колонналари 200 тага яқин. Ҳар бири 8-12 тонна оғирликдаги бу устунлар кўтарма кранлар ёрдами билан ўрнатилмоқда. Мана, қудратли «Воронежец» кўтарма крани колонналарнинг биринчи енгилгина кўтариб пойдеворига қўйди. Бу ерда пўлат конструкцияларини ва корпус томини монтаж қилиш ишлари ҳам қизғин давом этаётир.

Пўлат блокларини пайвандлаётган ўрта бўйли, тўладан келган ишчи олдига бордик. Моҳир монтажчи ўртасига қизил рангли ойна ўрнатилган шчеток билан юзини беркитган ҳолда блоклар орасида ҳосил бўлаётган чокларни синчиклаб кузатиб борар, кўнгли тўлмаган жойларини қайтадан пайвандлар эди. Эритма тугагач, чақконлик билан янгисини ўрнатиб, яна ўз ишини давом эттирар эди. Бу қурилишнинг энг тажрибали ва илғор монтажчиси Борис Иванович Нестеров эди. Ўз касбининг ижир-чижирларигача пухта ўрганиб олган бу монтажчи нормани 200 процентга етказиб адо этмоқда.

Ҳафиз Юсупов бошчилигидаги бетончилар бригадаси ўзининг меҳнатда эришаётган ютуқлари билан ҳаммани қойил қилмоқда. Бетончилар компрессор-трансформатор станцияси.



Комбинатнинг бетон заводи.

У ерда 2 гектарга ишлаб чиқаришга тайёрланаётган 10-синфни битирган Виктор Зубков, Мақсуд Собиржонов, Пётр Кирпаль, Геннадий Никулин, Геннадий Сухомлиновлар шулар жумласидандир. Бу ёшлар меҳнатда тажрибали бинокорлардан қолишмайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май байрами муносабати билан чиқарган Чақириқлари барча қатори Қўйлиқдаги бу комбинат қурилишида фидокорона меҳнат қилаётган бинокорлар коллективини ҳам янги ғалабаларга илҳомлантириб юборди. Қурувчилар бунга жавобан иш суръатини кун сайин тезлаштирмоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ.

М. Нуритдинов фотолари.

Янги бинокорлик материалларидан кўпроқ фойдаланайлик

Етти йилликда бинокорларимиз олдида ғоят катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қурилишни ялада индустрлаштириш лозим. Бунинг учун қурилиш материаллари ишлаб чиқариш базасини тинмай кенгайтириб бориш, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар биноларини қуришда прогрессив иш методларини кенг қўлланиш, янги эффектли ва тежамли бинокорлик материалларидан фойдаланиш, оғир иш процессларини комплекс механизациялаш, темир-бетон буюмларидан фойдаланишни кенгайтириш зарур.

Арматураси олдиндан таранг қилиб тортилган темир-бетон буюмлари тайёрлашни кескин кўпайтириш ва қурилиш ишларида улардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш капитал қурилиши вазифаларини тўла ҳал қилишда катта аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиздаги кўпгина главкалар тажрибаси бундай конструкциялардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлигини яққол исбот этмоқда. Москва, Киев, Свердловск ва бошқа шаҳарлардаги бинокорлик ташкилотлари олдиндан таранг қилиб ишланган темир-бетон буюмларидан фойдаланишни йил сайин кенгайтириб бормоқдалар.

Областимиздаги айрим бинокорлик ташкилотлари, жумладан «Алмаликсвинецстрой» трести ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида бундай буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Ҳозирги вақтда комбинат корхоналарида электр столбалари, икки қатламли ёпқич плиталар, темир йўл шпаллари, кранлар остига қўйиладиган балкалар шу усул билан тайёрланаётир.

Олдиндан таранг қилиб ишлатган темир-бетон конструкциялари оддий темир-бетон буюмларига нисбатан бир қанча афзалликларга эгадир. Бундай конструкциялар арматуралари домкрат ва шунга ўхшаш ускуналар ёрдами билан бетонлаш олдидан маълум даражада тарани қилиб тортилади. Бу бетоннинг ҳамма жойда бир текис оғирлик билан таъсир қилишини таъминлайди. Натижада эса бундай усул билан тайёрланган буюмлар эластик ва чидамли бўлади, уларнинг ёрилиши ёки дарз бўлиши бартараф қилинади.

Бу йил областимиз бинокорлари олдиндан таранг қилиб ишлатган темир-бетон конструкциялари тайёрлашни янада кўпайтиришлари керак. 1959 йилда бундай буюмлар 35 минг кубометр ҳажмида ёки ўтган йил давомида тайёрланганига нисбатан 30 баравардан зиёдроқ кўп ишлаб чиқарилиши керак. Бизда бу вазифани муваффақиятли амалга ошириши таъминлаш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Фақатгина «Алмаликсвинецстрой» трестининг ўзида бу йил олдиндан таранг қилиб ишлатган темир-бетон буюмларининг жуда кўп турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу ерда уч ярим минг кубометр говакли плиталар ва бошқа хил буюмлардан уч минг кубометрга яқин тайёрлаш планлаштирилди. Трест коллективи бу вазифани тўла ва ошириб бажариш учун курашни ҳозирданоқ қизитиб юборди ва бу соҳада жуда катта тадбирларни амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда йилига 10 минг кубометр темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводни қуриш ишлари тез суръатлар билан олиб борилаётир. Олдиндан таранг қилиб ишлатган темир-бетон буюмлари тайёрлашни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ускуналар, жумладан «СМ-528» маркали насос станцияси, «СМ-529» гидравлик домкратлар ва бошқа механизмлар тахт қилиб қўйилди. Шу билан бирга заводни ишга тушириш учун зарур бўлган айрим агрегатлар етишмаётир. Республика қурилиш министрлиги заводга бу хил ускуналарни тезроқ етказиб бериши керак.

Айрим бинокорлик ташкилотларида бу конструкцияларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга етарли эътибор бермаётирлар. Масалан, «Главташкентстрой»да бундай буюмлар тайёрлаш учун барча моддий-техника имкониятлари бор. Главкада иккита йирик темир-бетон заводи ишлаб турипти, бу корхоналарда шу вақтга қадар фақат оддий темир-бетон конструкциялари чиқарилмоқда. Бу заводларда олдиндан таранг қилиб ишлатган темир-бетон буюмларини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин, бунинг учун қўшимча маблағлар сарфлаш ҳам талаб этилмайди. Лекин, нима учундир главка раҳбарлари бу масалани ҳал қилиш ишига шу вақтгача киришмаётирлар.

Республикамиздаги лойиҳалаш ташкилотлари олдиндан таранг қилиб ишланган темир-бетон буюмлари конструкцияларини тайёрлашни кўпайтириш соҳасида қурилиш ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари керак. «Узгоспроект», «Ташгипропроект», 4-ГПИ, «Узгипрошахт»-сингари ва бошқа лойиҳалаш ташкилотлари бундай конструкциялар типовой лойиҳалари альбомларини ишлаб чиқишлари, мавжуд уй-жой бинолари қурилиши типовой лойиҳаларини қайтадан кўриб чиқишлари ва бундай биналар қурилишида олдиндан таранг қилиб ишланган темир-бетон буюмларидан фойдаланишни кўпайтиришни ҳисобга олишлари лозим. Бу ташкилотлар темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи заводлар ва полигонларнинг энг яхши лойиҳаларини танлаб олишлари, бунда маҳаллий шароитни назарда тутишлари ва бундай лойиҳалар билан бинокорлик ташкилотларини таъминлашлари лозим. Бу капитал қурилиши бўйича областимиз бинокорлари олдида турган улуғвор вазифаларни белгиланган муддатларда тўла амалга ошириш ва бинокорлик ишлари харажатларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш имконини беради.

И. ЗАБИРОВ,

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Партия группаларининг жанговарлигини оширайлик

КПСС XXI съездининг мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг етти йилга мўлжалланган контроль рақамлари юзасидан қабул қилган резолюциясида бундай дейилган: **«Партия ташкилотлари давлат планларини барча миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича кун сайин, ой сайин тўла ва ошириб бажариш учун барча корхоналарнинг бир меёрда ишлашларини таъминлашлари лозим. Мавжуд қувватларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналарнинг ички резервлари ва имкониятларини кўпроқ ишдириб топиш, ишлаб чиқариш технологиясини ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни доим такомиллаштира бориш, машина-ускуналардан, хомашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш зарур».**

Съезднинг бу кўрсатмасида саноат корхоналари коллективларининг, партия ташкилотларининг хўжаликни ривожлантириш соҳасида амалга оширадиган асосий вазифалари ўз конкрет ифодасини топган. Бу вазифа ҳар бир корхонада, ҳар бир цех ва участкада қанчалик муваффақиятли бажарилса, мамлакатимиз олдида турган катта иқтисодий вазифа шунчалик тез ва муваффақиятли адо этилади.

Биз аввало ишни коллективимизнинг ҳар бир аъзосига партия XXI съезди қарорларини, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш режаларини пухта тушунтиришдан бошладик. Партия ва комсомол маорифи шохобчаларидаги тўгаракларнинг машғулотларида, доимий ишлаб чиқариш кенгашларида асосий эътибор ана шу масалага қаратилди. Барча агитаторлар, пропагандистлар, партия ва хўжалик ходимлари съезд материалларини пропаганда қилишга сафарбар этилди. Улар съезднинг тарихий қарорларини шахта коллективи олдида турган конкрет хўжалик вазифалари билан чамбарчас боғлаб тушунтиришга, етти йилликда ҳар бир кишининг зиммасида қандай вазифалар турганлигини уқтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Етти йиллик планнинг асосий вазифаларини коллективнинг ҳар бир аъзосига пухта тушунтириш ва 1959 йил планини муддатидан олдин бажариш учун курашни ҳар томонлама кучайтириб юборишда шахта партия бюроси, айниқса партия группалари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Коллективимиз йиллик планни ҳамма кўрсаткичлар бўйича муддатидан камида 10 кун олдин бажариш ва йил охиригача қўшимча равишда 30 минг тонна кўмир бериш, ортиқча харажатларни кескин камайтириш, камида 600 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолиш ва меҳнат унумдорлигини анча ошириш мажбуриятини олган.

Бу катта ва масъулиятли мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш шахта коммунистларининг, партия группаларининг шарафли бурчидир. Партиянинг энг қуйи звеноси бўлган партия группалари корхона олдида турган вазифаларни бажаришда партия бюросининг мустаҳкам таянчи эканликларини амалда кўрсатмоқдалар.

Партия ташкилоти ҳисобидаги 160 коммунистдан 122 киши ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларида ишламоқда. Битта проходчилар, тўртта кўмир қазиш участкасида партия группалари ташкил этилган. Ҳар бир группада 15-20 коммунист меҳнатда ўзлари шахсий намуна кўрсатиш билан бирга барча партиясиз шахтёрларни коммунистчасига ишлаш ва коммунистчасига яшашга ўргатмоқда. Э. Бойматов, М. Пиримқулов, И. Сафронов, И. Братерский, О. Исроилов ўртоқлар сингари ташаббускор коммунистлар шулар жумласидандир. Азим Раимқулов, Отабой Рўзиматов, Жаббор Ашуралиев, Йўлдош Тожибоев, Александр Плеханов ўртоқлар тез ва сифатли ишлашлари ҳамда юксак ахлоқий фазилатлари билан бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Партгруппалар кундалик топшириқларни ошириб бажариш маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, иқтисод режимини қатъият билан амалга оширишда социалистик мусобақанинг ташкилотчиларидирлар. Коммунистлардан Фёдор Хон, Умид Замонов ўртоқлар бошчилик қилаётган участкалардаги партия группаларининг ишлари шу жиҳатдан айниқса характерлидир.

Маълумки, ўтган йил октябрь ойидан бошлаб шахтёрлар 6 соатлик иш кунига кўчирилди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлиги коллектив ўртасида сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини ошириб юборди. Партия группалари иш вақтининг ҳар бир минутидан максимал фойдаланиш, ижодий ташаббускорлик ва ўз техника билимини ошириш учун бошланган мусобақани қизитиб юбордилар. Ҳамма новалоотбойчилар, транспортчилар, проходчилар ўртасида илғорлик учун кураш кун сайин авж олиб бораётир. Ўртоқ Хон бошчилигидаги участкада тажрибали шахтёр Алексей Шашков раҳбарлик қилаётган бригаданинг ҳамма аъзоси мустаҳкамловчилик, пармаловчилик ва слесарлик касбларини пухта ўрганиб олганликлари учун бутун смена давомида меҳнатни рационал ташкил этмоқдалар. Ҳеч ким бекор турмайди — дуч келган ишни бажариб кетаберади, бажарганда ҳам тез, зўр ғайрат, шижоат ва моҳирлик билан бажаради. Шунинг учун ҳам бригаданинг ҳар бир аъзоси 6 соатда белгиланганидан 2-3 тонна кўп кўмир қазиб чиқараётир. Бу бригада ҳозиргача етти йилликнинг биринчи йили ҳисобидан 1500 тоннага яқин қўшимча кўмир берди.

Коммунист Николай Судаков бошчилигидаги бригада ҳам меҳнат унумдорлигини тобора ошира боришда ибратли ишлар қилаётир. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва илғор иш усулларини қўлланиш натижасида бригада бўйича ҳар бир новалоотбойчи ўрта ҳисобда январь ойида пландан ташқари 1,5 тоннадан кўмир берган бўлса, февралда 2,2 тоннадан, март ойида эса 2,5 тоннадан қўшимча кўмир қазиди. Шунингдек Намаев, Баскаков ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳам ойлик топшириқларини мунтазам ошириб адо этмоқдалар.

Партия группалари янгидан-янги резервларни ишдириб топиш ва ишга солишда, ишлаб чиқаришга фойда келтирадиган ҳамма ва ҳар қандай янгиликларни изчиллик билан жорий этиш учун курашда зўр ташкилотчилик ва ташаббускорлик нўрсатмоқдалар. Қуйидаги мисоллар партгруппалар ташаббуси ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қанчалик катта фойда келтираётганлигини яққол кўрсатади.

Учинчи участка коммунистлари меҳнатни яхши уюштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш учун курашни бу йил айниқса кучайтириб юбордилар. Бир группа коммунистлар посадчилик қилаётган, яъни кўмири қазиб бўлинган жойдан тирков ёғочларни йиғиштириб оладиган кишиларнинг ишини новалоотбойчиларнинг ўзлари бажарсинлар, посадчилар бошқа ишга кўчирилсин, деган таклифни киритдилар. Бу таклифни партгруппа секретари ўртоқ Френкель ва участка бошлиги ўртоқ Ткаченко қўллабқувватладилар. Бу янгилик амалга оширилди. Бироқ ҳадеганда иш жўнашиб кетабермади. Айрим новалоотбойчилар топширилган ишга масъулиятсизлик билан қараб, лаваларни мустаҳкамловчи материаллардан атиги бир марта фойдаланиб, сўнгра уларни кўмиб юборавердилар. Бунинг оқибатида ҳар икки кунда участка бўйича 2-3 минг сўмлик мустаҳкамловчи материал нес-нобуд бўларди.

Партия группаси бу аҳволни атрофлича ўрганиб, участка коммунистларининг йиғилишини ўтказди. Йиғилишга новалоотбойчилар бригаларининг бошлиқлари ҳам таклиф қилинди. Йиғилиш қатнашчилари дефицит ёғоч ва бошқа мустаҳкамловчи материалларни ишлатишда нобудгарчиликка йўл қўяётган кишиларни, жумладан кон мастерлари ва участка бошлиқларини қаттиқ танқид қилдилар. Партия йиғилиши нобудгарчиликка барҳам бериш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади. Йиғилиш қарори изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бу камчилик тугатилди. Ҳозирги пайтда шахтанинг ҳамма участкаларида посадкачилик вазифаси қисқартирилиб, бу ишни новалоотбойчилар, бажараётирлар. Бунинг орқасида эса давлатнинг кўплаб маблағи тежаб қолинаётир.

Ўтган йили шахтага кўпгина янги техника келтирилди. Келтирилган ускуналар орасида КРШ-220 транспортёрлари ҳам бор эди. Бу транспортёрларни ўрнатиш учун бутун шахтада ишларни камида 2-3 кун тўхтатиб қўйишга тўғри келарди. Лекин бир неча коммунист ишни тўхтатмасдан туриб, яъни кўмир қазиб чиқаришни камайтирмаган ҳолда янги ускунани ўрнатиш мумкинлигини айтди. Шахта партия бюроси бу таклифни маъқуллаб, коммунистлар ва партиясиз мутахассисларнинг кенгайтирилган йиғилишини чақирди. Йиғилишда транспортёрларни шахтани тўхтатмай туриб ўрнатиш мумкин, деган фикрни кўпчилик қўллаб-қувватлади ва бу ишни қандай амалга ошириш чоралари белгиланди. Қисқа муддат ичида транспортёрлар муваффақиятли ўрнатилди, ҳозир улар унумли ишламоқда. Коллективимиз амалга оширган бу янгиликнинг мамлакатимиздаги бошқа шахталар учун ҳам катта аҳамияти бор.

Иккинчи участка партгруппоргиноватор-шахтёр ўртоқ Ф. Пискорский КПСС XXI съезди қарорларига жавобан меҳнат унумдорлигини ошириш учун қатъий кураш бошлаш масаласини кўтарди. Уни участка коллективи қўллаб-қувватлади. Мавжуд резервлардан янада унумли фойдаланишга, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилган анчагина таклиф киритилди. Буларни амалга ошириш натижасида участкада меҳнат унумдорлиги ўтган ойлардагига қараганда февраль, март ойларида 4-5 процент ошди. Иккинчи участка коммунистларининг бу ташаббуси ҳозир бошқа участкаларда ҳам амалга оширилаётир. Бу соҳада коммунист ўртоқ Мирсоатовнинг рационализаторлик таклифи айниқса тақдирга сазовордир. У, занжирли транспортёрлар ўрнига лентали транспортёрлар ишлатишни таклиф қилди. Бу янгиликни амалга ошириш натижасида қазилган кўмирни транспортировка қилиш анча тезлашди ва устама харажатлар кескин камайди.

Партия группалари шахтёрларнинг сиёсий савияси ва техника билимини ошириш, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, коммунистик ахлоқ принциплари руҳида тарбиялаш юзасидан ҳам кўп ишлар қилмоқдалар. Жумладан, шахтёрларнинг деярлик кўпчилиги шу кунларда КПСС XXI съезди қарорларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Улар ўртасида техника ҳавфсизлиги, илмий-атеистик темаларда, коммунистик ахлоқ принциплари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси шахта техника-иқтисодий кўрсаткичларини тинмай яхшилай бориш, давлат планларини тўла ва ошириб адо этиш имконини берадир. Шахта коллективи 1959 йилнинг биринчи квартали планини муддатидан 6 кун олдин бажариб, қўшимча равишда 7 минг тоннадан кўп кўмир қазиб чиқарди. Етти йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан анча олдин бажариш учун курашни кун сайин авж олдираётган шахтёрлар апрель ойининг биринчи декадасида ҳам белгиланганидан бир неча эшелон кўп кўмир бердилар. Коллектив орасида кундалик ва ойлик топшириқни бажармайдиган битта ҳам шахтёр йўқлиги, суткасига пландан ташқари 300-400, ҳатто 500 тонналаб кўмир қазиб чиқарилаётганлиги, жиддий аварияларга сира йўл қўйилмаётганлиги шахта коммунистларининг, дастлаб партия группаларининг самарали ишлари натижасидир.

Қилинган ишлар, қўлга киритилган дастлабки муваффақиятлар бизларни ҳали қаноатлантирмайди ва сира мағрурлантириб юбормайди, балки янада кўпроқ ғайрат-ташаббус кўрсатиб ишлашга руҳлантиради. Кўпдан бери ўз зиммасига юклатилган вазифаларни шараф билан бажариб келаётган жанговар коллективимиз етти йиллик программани ва етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам албатта бажаради.

Ҳамза ҚОДИРАЛИЕВ,

Оҳангарондаги 9-шахта партия бюросининг секретари.

Редакцияга келган хатлардан

☆

ҲАҚЛИ ТАЛАБЛАР

АВТОБУС ҚАТНОВИ ТАРТИБГА СОЛИНСИН

Биз ишчи-ёшлар партия ва ҳукуматимизнинг катта ғамхўрликлари туфайли кечки олий ўқув юртларида ўқиб, ўз билимимизни оширмоқдамиз. Албатта, ишдан чиқиб, яна бир неча соат ўқиш осон эмас. Кечаси соат 11 ларда ўқишдан анча толиқиб чиқамиз. Бунинг устига 3-4 километр пиёда юришга тўғри келади. Чунки Бируний майдони билан Заҳариё ўртасида қатнайдиган автобус соат ўн яримдаёқ тўхтаб қолади.

Биз ишчи-студентлар автобуснинг график бўйича соат ўнбир яримгача қатнашини талаб қиламиз. Автобаза раҳбарлари шунга эътибор беришлари керак.

А. Қўчқоров, А. Собиров, А. Султонов, Б. Муҳитдинова.

Бу мактубга ҳаммаси бўлиб молия-иқтисод ва Низомий номидаги педагогика институтларининг студентларидан 21 киши қўл қўйган.

РЕМОНТГА МУҲТОЖ КЎЧА

Қўйлиқ қишлоқ советидаги М. Горький кўчаси ўнқир-чўнқир бўлиб, юриб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолган. Бу серқатнов кўчани ремонт қилишга Қорасув район коммунал хўжалик бўлими мутлақо эътибор бермаётир. Бу ҳақда район ижроия комитетига кўп марта мурожаат қилдик, сайлов вақтида депутатларимизга кўчани тузатиш ҳақида наказ бердик. Лекин ҳозиргача бирор натижа чиқмади.

Район ижроия комитети раҳбарлари ва депутатларимиздан бизнинг арзимизга эътибор билан қарашларини сўраймиз.

С. Тошхўжаев,
пенсионер.

ТЕЛЕФОН ҲОЗИР ЖАВОБ БЎЛСИН

Телефон колхозни район маркази ва бошқа жойлар билан боғлайдиган энг муҳим алоқа воситаларидан биридир. Кўкламги экиш авж олиб бораётган шу кунларда унинг аҳамияти ва роли янада ошди. Юқори Чирчиқ районидаги кўпгина колхозларда телефон алоқаси ўрнатилган. Лекин бу телефонлардан фойдаланиш бирор мушкулни осон қилиш амримаҳол.

«Ленинизм» колхозининг Париж Коммунаси участкасига ҳам телефон ўрнатилган. Бу участка колхоз идорасидан 5-6 километр, район марказидан 4 километр узоқда. Лекин телефон бир меёрда ишламайди. Бирор жойни чақирмоқчи бўлиб 2-3 соатлаб вақтингиз кетса ҳам жавоб одолмайсиз. Бошқа жойларда ҳам аҳвол шу.

Бу ҳақда район алоқа бўлимининг бошлиғи ўртоқ Жўраевга мурожаат қилинса, ҳамма вақт: «Коммутатор аппаратини мойлаган эдик, клапани ишламай қолди» деган бир хил жавоб берилади.

Телефонлар ҳамма вақт ҳозиржавоб бўлмоғи керак.

А. Усмонов,
«Ленинизм» колхозининг аъзоси.

Тошкентдаги 3- ўрта мактабда чиқадиган деворий газетанинг редколлегия аъзолари газетани доим ўз вақтида чиқариб турадилар. Суратда: редколлегия аъзолари (чапдан) В. Галкин, Н. Газарян ва Л. Лягутиналар «Фан ва техника» номли деворий газетанинг навбатдаги сонини тайёрламоқдалар.

И. Гильдин фотоси.

☆ ☆

Ваъда ҳам эви билан-да

Тошкентдаги «Строитель» артелининг ташкилотлардан пудратга олиб иморатни тез, арзон ва мустаҳкам қуриб бериши тўғрисидаги эълонлари газеталарда тез-тез чиқиб туради. Ташкилотлар ҳам бу дабдабали эълонларни ўқиб ишни пудратга беравердилар. Артель ходимлари эса бозорнинг чаққонлигидан ўта мамнун бўлиб, ўз кучлари билан ҳисоблашмай, заказни тезда бажо келтиришга ваъда қилиб қатта-катта қурилишларни пудратга ола берадилар. Пудратчилар билан шартнома тузиб, бино учун ажратилган маблағ, қурилиш материалларининг оёғини ерга тегизмай ундириб оладилар. «Ишнинг кўзини билган» артель раҳбарлари, хўжакўрсинга бинонинг пойдеворини кўтартириб ҳам қўядилар... Шу билан артель ходимларининг фаолияти сусайиб кетади. Раҳбарлар эса ваъдабозликка ўтиб оладилар.

Даъвомизнинг исботи учун ишчиларга қурилаётган бир бинонинг тарихини таъриф ва тавсиф этибберсак артель фаолияти бирмунча равшан бўлиб қолади. Бу воқеа бундан икки йил олдин рўй берган эди. Тошкентдаги 4- ғишт заводи ўз ишчиларига 8 квартирали уй қуриш учун маблағ ажратди. Квартира сўраб ариза кўтариб юрган ишчиларнинг ҳақли талабини тезроқ қондириш мақсадида завод маъмурияти артель правлениеси билан шартнома тузиб, маблағ ва бинокорлик материалларини ўз вақтида етказиб бериш мажбуриятини олди. Артель эса бинони 1958 йилнинг II кварталида фойдаланишга топшириш лозим эди.

Завод маъмурияти ўз зиммасига олган мажбуриятни бажариб, маблағ ва бинокорлик материалларини етказиб берди. Артелнинг қурилиш бригадаси пойдеворни кўтарди. Бундан завод маъмурияти ҳам, ишчилар ҳам ниҳоятда мамнун бўлдилар. Лекин бу хурсандчилик узоққа бормади. Хўжакўрсинга кўтарилган пойдевор қаққайганича қоларди.

Ишга артелнинг раиси Қорахўжаевнинг ўзи аралашди. Шундан сўнг иш юришиб кетгандир, деб ўйларсиз. Биз ҳам шундай бўлар, деб қувонган эдик. Аксинча, иш юришмади, галга солиш, ваъдабозлик бошланди. Қўл қўйилиб, печать босилиб, сандиққа солинган шартномадаги муддат аллақачонлар ўтиб кетди. Қорахўжаев «Менинг ваъдам-ваъда, квартирани тақсимлай берингиз. Байрам куни — 7 ноябрда уй олган ишчилар кўчини ортиб келавершинлар» дели. Байрам ҳам ўтди. «Энди, КПСС XXI съезди шарафига битирамиз. Мабодо кечикса, узоғи билан 1959 йил 8 мартда калитини қўлингизга берамиз» ... Кунлар ойларга, ойлар йилларга уланиб ўтиб бораяпти. Лекин Қорахўжаевнинг ваъда бериши тугамайди.

Меҳнаткашлар депутатлари Киров район Совети ижроия комитети шу йил 29 январда «Киров районида уй-жой қурилишининг бориши тўғрисида»ги масалани муҳокама қилиб, қарор чиқарди. Қарорда жумладан 4- ғишт заводи бошқармасида уй-жой қурилишининг ниҳоятда суст бораётганлиги таъкидланди, «Строитель» артелининг раҳбари ўртоқ Қорахўжаевнинг қурилиш ишларини қониқарсиз ташкил этаётганлиги кўрсатилиб ўтилди ва завод ишчилари учун қурилаётган бинони тезда битказиб, фойдаланишга топшириш юклатилди.

Шундан кейин ҳам Қорахўжаев пинагини бузмади. Бажарилган иш ҳам ниҳоятда сифатсиз. Ўртоқ Қорахўжаев яна қандай қарор кутаётгани бизга маълум эмас. Лекин завод маъмурияти ҳам, касаба союз завод комитети ҳам ўртоқ Қорахўжаевнинг бурдсиз ваъдаларига ишониб, ишчилар олдида бош кўтараолмай қолди.

Район ижроия комитети ўз қарорининг қандай бажарилаётганини бир текшириб, Қорахўжаевни яна бир тебратиб қўймаса, бино бу йил ҳам битадиганга ўхшамайди.

Ғ. ФАЕЗОВ,
4- ғишт заводи мастери.

★

Декада қатнашчилари гапирадилар

Тошкент рассомлик билим юртида «Декада қатнашчилари гапирадилар» деган умумий сарлавҳа остида «Санъат» номли оғзаки журнал чиқарила бошланди. Яқинда бу журналнинг 3- сони тайёрланди.

Залга тўпланганлар Москва декадаси қатнашчилари Т. Оганесов ва Ўзбекистон ССР халқ рассоми М. Раҳимов ўртоқларнинг Ватанимиз пойтахтида ташкил этилган республика рассомлари асарлари виставкаси ҳақидаги таассуротларини диққат билан тингладилар. Шунингдек, улар эпидиоскоп ёрдамида Ўзбекистон рассомларининг янги асарларини тамошо қилдилар.

Раҳимов билим юртини тамомлаб чиққан ва ҳозирда амалий санъат соҳасида яхши ижод қилаётган Қ. Рихсиев, Н. Маршумов, Т. Барпал, Б. Ким ўртоқларнинг Москва виставкасига қўйилган асарлари тамошабинлар ва танқидчи — рассомларнинг юқори баҳосини олганлигини айтди.

Рассом Оганесов декадага атаб яратган асарлари устида қандай иш олиб борганлиги ҳақида гапирди.

«Санъат» оғзаки журналининг яқинда чиққан 4-сони «Рассомлар куни»га бағишланди.

О. АПУХТИН,
Рассомчилик билим юртининг директори.

———

Темир-терсак йиғиш илғорлари

Мирзачўл шаҳридаги пахта тозалаш заводи бошланғич комсомол ташкилоти ташаббуси билан завод комсомол ёшлари темир-терсак йиғиш ишида актив қатнашмоқдалар. Яқинда ташкил қилинган шанбаликда ёшлар зўр ғайрат кўрсатиб, бир кунда 18.900 килограмм темир-терсак йиғиб, қабул пунктига топширдилар. Улар яна камида 35 тонна темир-терсак йиғиб беришга қарор қилдилар.

Б. Сонбназаров.

* * *

Бекобод шаҳридаги Навоий номли 9- ўрта мактабнинг 8—10-синф ўқувчилари темир-терсак йиғишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Қисқа вақт ичида 10-синф ўқувчилари 35 тонна ва 8-синф ўқувчилари 25 тонна темир-терсак йиғиб топширдилар.

Х. Холмирзаев.

* * *

Чирчиқ «Электрохимия» комбинати комсомоллари, Калинин районидаги К. Маркс номли 17- ўрта мактаб, Қорасув районидаги 4-мактаб, Верхне-волинск районидаги Чкалов номли 2- етти йиллик ва 14- ўрта мактаб, Чиноз районидаги 12- етти йиллик мактаб ва Бекобод районидаги 2, 11, 12, 29- мактаб ўқувчилари ҳам кўплаб темир-терсак тўплаб топширмоқдалар. Бу ҳақда газетхонлардан **Т. Сихарулидзе, Э. Ҳамидов, Ғ. Салимҳожиев, П. Самбетов, Т. Имомов** ва **Т. Абдурраимов, К. Ғаниев** ўртоқлар редакциямизга хабарлар ёзиб юборганлар.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Сирдарё савдо ташкилотларида хотиржамлик

Областимиз савдо ташкилотлари олдига қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига савдо хизматини яхшилаш, совхоз ишчилари ва колхозчиларни, айниқса кўкламги экиш даврида саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқда савдо маданиятини, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш вазифаси қўйилган. Улар колхозлар ва колхозчиларга қишлоқ хўжалик асбоблари, рўзғор буюмлари, кийим-кечак, пойафзал, дала шийпонлари учун керак бўладиган маданий ва хўжалик моллари етказиб беришлари, дала шийпонларида, бригада ва участкаларда иссиқ овқат ташкил этиш, кўчма дўконлар очиш — хуллас колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун уларга қулай шароит яратиб беришда колхоз правлениеларига, партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Бу ҳақда область ижроия комитети шу йилнинг февраль ойида махсус қарор қабул қилиб, унда кўкламги экиш даврида қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатиш тадбирларини белгилаб берган эди.

Бироқ, Сирдарё районида яқинда ўтказилган текшириш якунлари район савдо ташкилотларининг бу муҳим тадбирларни амалга оширишга етарли эътибор бермаётганликларини кўрсатди. Район савдо ташкилотлари кўчма дўконлар, сотувчисиз савдо ташкил этиш, колхозчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш юзасидан шартномалар тузиш каби тадбирларни амалга оширишда маълум бир план асосида иш олиб бормадилар. Магазин, дўкон ва бошқа савдо тармоқларидаги молларнинг ассортиментлари аниқланмади.

Ҳозир колхоз ва совхоз далаларида экиш ишлари тобора кучайиб бормоқда. Шунга қарамай ҳали бригадаларда, участкаларда кўчма дўконлар, иссиқ овқат ташкил этилмаган. Ташкил этиш у ёқда турсин, мавжуд магазин ва дўконларда ҳам колхозчилар учун энг зарур моллар топилмайди. Масалан, «Коммунизм» колхозидаги Сталин сельпосига қарашли магазинда (мудири ўртоқ Алиев) бак, фанер, лампа шиша, қошиқ каби кўпгина моллар топилмайди. Умуман белгиланган молларнинг қарийб 50 процанти магазинга мутлақо келтирилмайди. Сирдарё сельпосининг 6-магазинида эгаржабдуқ, лампа шиша, камар, пайпоқ ва бошқа шу каби моллар камдан-кам бўлади.

Район матлубот жамияти ва сельпо раҳбарлари магазин ва дўконларни хилма-хил моллар билан тўла таъминлашга етарли эътибор бермайдилар. Магазинларга аҳоли кўп талаб этаётган молларнинг тўла юборилмаслиги натижасида кўпгина савдо тармоқлари товар обороти планини бажармаётирлар.

Район матлубот жамияти молларни нотўғри тақсимлайди. Оқибатда район магазинларида моллар, айниқса, хўжалик моллари керагидан ортиқ тўпланиб қолмоқда. Колхозлардаги магазинларда эса керакли хўжалик буюмлари топилмайди. Колхозчилар бундай молларни олиш учун узоқ йўл босиб, район марказига келишга мажбур бўладилар.

Райондаги магазин ва дўконларда совет савдоси қоида ва тартибларини кўпол равишда бузиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Сталин сельпосига қарашли 1-хўжалик магазинининг сотувчиси Боруҳов харидорлардан бирига 4 сўм 10 тийинлик мол сотиб, 1 сум 16 тийин ортиқ ҳақ олган. Бундан ташқари у сдача ўрнига 74 тийинлик чой қошиқ берган. Харидор ва хўрандаларнинг ҳақига хиёнат қилиш умумий овқатланиш тармоқларида айниқса кўп содир бўлаётир. Велико-Алексеевск поселкасидаги 1-чайная (мудири Агаев) официанткаси Шестакова хўрандаларга 24 сўмлик овқат бериб, ҳисоблаш вақтида 3 сўм 60 тийинни ортиқча олган. Ундан тўғри ҳисоблашни талаб қилганларида Шестакова хўрандаларга кўпол муомала қилган. У доимо кишиларнинг ҳақига хиёнат қилиб келган. Шу чайнаянинг бозордаги латогида молларнинг устига қонунга хилоф равишда 10 процент ортиқча баҳо қўйиб сотилган.

Район умумий овқатланиш бўлимининг раҳбарлари ошхоналарда тартиб ўрнатиш, хўрандаларнинг ҳақига муттасил хиёнат қилиб келаётган шахсларни жанобгарликка тортиш ўрнига, ўзлари савдо қоидаларининг бузилишига йўл қўйганлар. Улар Сирдарё ва Велико-Алексеевскдаги чайнаяларда қонунга хилоф равишда ароқ сотишни ташкил этиш каби қонунга хилоф ишларга биллатуриб, индамай келмоқдалар.

Бундай мисолларни Сирдарё районидаги савдо тармоқларидан кўплаб келтириш мумкин.

Район савдо ташкилотларининг раҳбарлари айниқса кўкламги экиш даврида аҳолига савдо хизматини яхшилаш юзасидан барча тадбирларни кўришлари зарур.

А. ТУЛАГАНХУЖАЕВ,
Давлат савдо инспекцияси область бўлимининг старший инспектори.

АЖОИИБ СУҲБАТ. Қ. Розиқов фотоэтюди.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

Маккажўхори етиштиришнинг прогрессив усули

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумидан сўнг бизнинг колхозимизга мамлакатимизнинг турли районларидан жуда кўп делегациялар келиб кетишди. Ана шунда мен маккажўхорини кетмон ишлатмасдан парвариш қилиш соҳасидаги тажрибаларни ўртоқлашиш имкониятига эга бўлдим. Меҳмонлар маккажўхорини комплекс механизациялаштириш катта иқтисодий қулайликлар келтиришини ўз кўзлари билан кўриб ишондилар. Ўтган йили биз икки киши бўлиб, 200 гектар ердаги маккажўхорини парвариш қилиш учун 874 одам куни ёки маккажўхорини одатдаги парвариш қилишда сарфланганига қараганда уч марта кам одам куни қилдик.

Биз маккажўхорини кетмон ишлатмасдан парвариш қилишни биринчи марта 1956 йили бошлаган эдик. Тажрибамиз муваффақиятли чиқди. Биздан ўрнак олиб, кўп жойларда маккажўхорини механизация воситасида парвариш қилишга киришилди. Масалан, ўтган йили бизнинг Воронеж областимизда маккажўхори ва бошқа ўсимликларни комплекс механизация воситасида парвариш қилган 700 га яқин звено бор эди. Ведугский районидаги Чапаев номли колхоз аъзолари — ака-ука Ковалевлар 130 гектар ернинг ҳар гектаридан 645 центнердан маккажўхори кўкпояси топширдилар. Россошанский районидаги КПСС XX съезди номли колхознинг тракторчиси Александра Стрижко ҳам ўз касбдоши билан меҳнат қилиб, бу соҳада ажойиб ютуққа эришди. Ҳар гектар ерда 925 центнердан маккажўхори кўк пояси етиштирилди.

Бу йил бизнинг областимизда маккажўхори ўсимлигининг деярли ярмиси қўл меҳнатисиз — механизация воситасида парвариш қилинади. Биз меҳнат унумдорлигини оширишнинг янгидан-янги йўлларини қидириб топиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Комплекс механизациялаштирилган звеноларни тузиш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Колхоз ва совхозлар техникадан тўла ва унумли фойдаланиш мақсадида уч хилдаги звеноларни ташкил қилмоқдалар.

Биринчи тур: бу хилдаги звенога 150 гектар маккажўхори ва 50 гектар кунгабоқар майдони бириктирилади, иккита механизатор ишлайди. Экинларни ўстириш ва парвариш қилиш учун звенога «Белорусь» трактори, «ПН—3—35» маркали плуг, «СКК—6В» квадратуялаб экувчи сеялка, «КРН — 4.2» маркали осма культиватор, «СК—2,6» маркали силос йиғиштирувчи комбайн ва «КУ—2А» маркали маккажўхори йиғиштирувчи агрегат бириктирилган. Ерни экиш олдидан ҳайдаш ва бороналаш ишлари звенога вақтинча бериб қўйилган занжирли тракторлар ёрдамида бажарилади.

Иккинчи тур: бу хилдаги звенода тўрт киши 300 гектар ерда маккажўхори ва юз гектар ерда кунгабоқар етиштиради. Уларга иккита «Белорусь» трактори ёки «КДП—35» агрегати, «СКГК — 6В» маркали иккита сеялка, «КРН—4,2» маркали иккита культиватор ёки «КУТС—4,4» («КДП—35» тракторга тиркаб ишлатиш учун) культиватори, иккитадан «КУ — 2А», «СК—2,6» маркали комбайн ва «ПН—3—35» маркали иккита плуг бириктирилади.

Учинчи тур: бу хилдаги звенода 6 киши 400 гектар ерда маккажўхори ва 200 гектар ерда кунгабоқар етиштиради. Уларга битта «Белорусь» трактори, иккита «КДП—35» агрегати, ерни ҳайдаш ва бороналаш учун вақтинчалик битта «ДТ—54» трактори, «СКГК — 6В» маркали учта сеялка, «КРН—4,2» маркали культиватор ёки иккита «КУТС—4,2» агрегати, «СК—2,6» маркали учта силос йиғиштирувчи комбайн, маккажўхори йиғиштирувчи битта «КУ—2А» комбайни ва учта «ПН—3—35» плуги берилади.

Колхозлар ўз техникасига эга бўлган ҳозирги пайтда комплекс звеноларни керакли машиналар билан таъминлаш унчалик қийин иш эмас. Ҳамма гап кишиларни ана шу механизмларни яхши бошқара билишга ўргатишдадир. Бусиз меҳнат харажатларини камайтириш ва мўл ҳосил етиштириш мумкин эмас.

Режа симини механик равишда диагональ чизиқ бўйлаб кўчириш йўли билан экишни пухта ўрганиб олиш учун қатта тайёргарлик ишлари олиб бориш талаб қилинади. Шу мақсадда узунлиги 300 метр келадиган текис ер участкаси талаб олинади, сим бўшатувчи қозиқлар ўрнатилиб, режа сими тортилади ва маккажўхорини экиш тажриба қилиб кўрилади. Бу вақтда агрегатларнинг сошниклари туширилиб қўйилмайди.

Сим бўшатувчи қозиқлар зигзаг бороналарига ўрнатилади, уларнинг ўртасида сим бўшатувчи қозиқнинг икки тупроқ чангари оралиғига тенг келадиган иккита тешикча очилади. Сим бўшатувчи қозиқ шундай ўрнатилиши керакки, натижада унинг чангаклари пармаланган тешикчаларга кириб турсин.

Ҳар бир механизаторнинг ўзи сеялканинг барча механизмлари ва сим бўшатувчи қозиқнинг ўрнатилиши ва режа симининг тортилишини ўзи созлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ишни аниқ квадрат ҳосил қилингунгача давом эттириш керак. Шу йўсинда ўтказилган тажрибагина катта фойда келтириши мумкин.

Машинани экишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи бир механизаторлар квадрат-уялаб экувчи сеялкаси ремонт қилиш вақтида клапанлардаги ва узлоуловитель вилкаларидаги камчиликларни йўқотиш ишига арзимаган нарса деб қараб, катта хатога йўл қўядилар. Ваҳоланки, бу камчиликлар агрегатнинг барча клапанларини аниқ созлашга халақит беради, кўндалангига экиш вақтида уяларинг бузилиб, қоришиб кетишига олиб келади.

Сеялкани созлаш — муҳим иш. Шунинг учун ҳам мен бу ишга катта аҳамият бераман. Созлаш ишининг тез ва сифатли бўлишига эришиш учун одатда 6—8 миллиметр диаметрли металл золдирлардан фойдаланаман. Золдирлар агрегат сошникларининг ёпиқ клапанларига солинади, сўнгра узлоуловителнинг вилкасини аста-секин золдирлар тушгунига қадар орқа томонга сураман.

Калибрлаштирилган уруғнинг катта-кичиклигига қараб экиш дискаларини танлайман, токи ҳар бир уяда биттадан уруғнинг аркин жойланиш имконияти бўлсин. Шу тариқа танлаб олинган дискаларни иккита экиш агрегатига ўрнатаман. Бошқа иккита аппаратга эса диаметри уянинг диаметридан бир миллиметр ортиқ бўлган диска ўрнатаман. Қолган икки аппаратга биринчи аппаратникига қараганда дискасининг диаметри бир миллиметр кам бўлган диска ўрнатилади. Шундай қилиб, 6 экиш агрегатига уяларининг ҳажми уч хил бўлган дискалар ўрнатилади, бироқ бу дискаларнинг қалинлиги бир хилда бўлади. Сўнгра экиш аппаратининг ҳар бир челакчасига тенг миқдорда калибрлаштирилган уруғлик соламан.

Бу билан сеялкани экишга тайёрлаш иши тугалланмайди. Сеялкани дастлабки созлашдан кейин уни текис участкага олиб чиққаман, узлоуловителларга режа симларини тортиб ва ўрнатиб, иккинчи тезликда тажриба учун агрегатни юргазиб кўраман, бунда сошникларнинг тупроқни чуқур уйилмаслигига эътибор берилиб уруғ экиб кўрилади. Тупроқнинг юза қатламига чиқиб қолган уруғлик кўп қолларда клапаннинг ҳар очилишида учтадан уруғ экадиган дискаларни танлаб олишга ёрдам беради. Шу билан дискаларни дастлабки танлаш иши тугалланади. Кейинчалик танланган дискаларнинг тўғрилиги экиш даврида диққат билан кузатиб текшириб борилади.

Шуни айтиш керакки, «СКГ—6» ва «СКГ—6В» сеялкалари баъзи бир конструктив камчиликларга эга бўлганлиги учун экиш дискаларининг уяларига уруғлик тиқилиб, у ерга тушмай қолади. Натижада экиш қоидаси бузилиб, хатога йўл қўйиш мумкин. Бунинг олдини олиш учун экиш агрегати кришкаларининг тиш туширгичларини пухта созлаш керак.

Режа симини механик равишда диагонал чизиқ бўйлаб кўчириб, экиш вақтида ҳеч қандай контроль чизиқлар ўтказиш талаб қилинмайди. Бу ҳол экиш техникасини бир мунча соддалаштиради, аниқ квадратлар ҳосил қилиш ишини енгиллаштиради.

Дастлаб шуни айтиш керакки, ҳар бир юриладиган картанинг охирги томонидаги қайрилиш йўллари 17 метрдан бўлиши лозим. Участканинг ҳар икки охиридаги қайрилиш йўллари режа симининг 12-таянч нуқтасидан бошланади, у агрегатни тўхтатиш учун мўлжал бўлиб хизмат қилади. Сўнгра сеялканинг ярим қамраш масофасига тўғри келадиган ерда (2,1 метр) даланинг ён бошидаги чегаранинг охиридан қозиқчалар ёрдамида агрегатнинг биринчи ўтиши учун тўғри чизиқ белгиланади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, механизатор барча механизмларнинг тўғри созланган бўлишига қарамасдан, аниқ квадратлар ҳосил қила олмайди. Бунга сабаб шуки, баъзилар режа симини механик равишда кўчириш йўли билан квадрат-уялаб экишнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олмасдан иш қилади. Маълумки, квадрат-уялаб экиш иккита сим бўшатувчи (ўнг ва чап) қозиқ ёрдамида бажарилади. Аниқ квадратларнинг чиқишига эришиш учун сим бўшатувчи қозиқларнинг тормозлаш кучи ҳажмини ободон текшириш зарур. Сим бўшатувчи қозиқларнинг тормозлаш кучи 3 килограммдан ошмаслиги керак. Буни айниқса эскириб қолган қозиқлар билан ишловчи механизаторлар унутмасликлари зарур. Агар сим бўшатувчи қозиқлар ҳар хил кучликда ишлатилса, экиш вақтида режа сими аста-секин даланинг бир томонига оғиб кетади, натижада квадрат бузилади.

Шунинг учун ишга тушиш олдидан сим бўшатувчи қозиқнинг тормозлаш механизмини солидор билан ёғлаш зарур. Шундай қилинмаса, сим бўшатувчи қозиқ 100—120 гектардан кейин бутунлай яроқсиз бўлиб қолади.

Механизаторлар сеялканинг ҳар бир қайрилишидан сўнг сим бўшатувчи қозиқлардан бири янги ерга ўтказилишини яхши биладилар. Бунда уни режа симини унчалик таранг қилиб тортмасдан туриб ўтказиш керак. Режа симини кучли таранглаш қозиқни сеялка томонга қия қилиб ўрнатиш ва уни тик томонга қаратиб тўғрилаш йўли билан бажарилади. Бунда қозиқнинг барабани енгил айланиши керак. Агарда қозиқ ўрнатилишида тик ҳолга келган бўлса, барабан айланмаган бўлса, демак сими нормал равишда тортилмаган деб ҳисоблаш керак. Бу вақтда қозиқ ердан суғуриб олиниб, сеялкадан бир қанча нарига янгидан ўрнатилади.

Баъзи бир механизаторлар қозиқни кўкракларига баравараштирилган ҳолда тутиб, уни ўзига тортади ва барабан айлана бошлаганидан кейин ерга қўяди. Бундай қилинганида сим сўзсиз бўшашиб кетади ва қозиқ мўлжалдаги ерга ўрнатилмай қолади. Бу кўндаланг қаторларнинг бузилиб кетишига олиб келади. Режа симининг тўғри тортилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар бир сим бўшатувчи қозиқ тугал ўрнатиб бўлинганидан сўнг режа симининг биринчи таянч нуқтаси олдига контроль таёқча ўрнатиш керак. Агрегат янги жойга ўтганидан кейин бу контроль таёқчаларнинг тўғри чизиғи режа симларининг тўғри тортилганлиги ва қозиқларнинг тўғри ўрнатилганлигини кўрсатади. Агарда контроль таёқчалар режа симининг биринчи таянч нуқтаси қаршисида турмаса, демак сим бўшатувчи қозиқ нотўғри ўрнатилган, деб билиш лозим.

Айтайлик, қозиқ янги ерга ўтказилиш пайтида сим қандайдир бир нарсага илашиб қолди. Бу пайтда сим бўшатувчи қозиқни ердан суғуриб олиб режа симининг қандайлигини текшириб кўриб, қозиқни янгидан ўрнатиш керак.

Сим бўшатувчи қозиқни ўрнатиш ва режа симини тортишда шунга эришиш керакки, режа симининг шайбаларидан бирортаси ҳам узлоуловителнинг вилкасига ҳам ёки унинг роликларига ҳам тегиб турган бўлмасин. Акс ҳолда симининг таранглилик ҳолати бузилади, бу қаторларнинг бузилиб кетишига олиб келади.

Экиш вақтида трактор иккинчи тезлиқда ишлаши лозим. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, агарда тезлик ўзгариб қолса, у квадратларнинг аниқ чиқишига халақит беради

Квадрат — маккажўхори ва бошқа экинларни комплекс механизация воситасида парвариш қилишнинг асоси. Кимки квадратларнинг аниқ чиқишини таъминласа, у албатта муваффақиятга эришади.

Н. Ф. МАНУКОВСКИЙ,
Воронеж область, Ново-Усманский районидаги Киров номли колхознинг тракторчиси, РСФСР Олий Совети депутати.

Газетхонлар хабар қиладилар

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Кекса кондуктор

— Йўловчи гражданлар, билет олишни унутмангиз. Ўглим ёнингизда турган аёлга жой берсангиз бўларди...

— Сизга неча билет керак, қизим?

— Иккита.

— Марҳамат.

Бу сўзларни трамвайда кетаётган ҳар бир киши эшитади. Тушган трамвай ёки троллейбусингизда хизмат қилаётган кондуктор сизга қанчалик хушмуомала қилса, шунчалик вақтингиз чоғ бўлади, ундан хурсанд бўласиз, «ҳамма кондуктор ҳам шундай бўлса экан» деб ҳавас қиласиз.

Тошкент трамвай-троллейбус трестига қарашли 2-депонинг кекса ишчиси Зуҳри опа Баҳромова худди ана шундай кондукторлардандир. Зуҳри опанинг бу касбда ишлай бошлаганига 10 йиллан ошиб кетди. Шу даврда ўз вазифасини сидқидиллик билан бажариш, пассажирларга маданий хизмат қилиши туфайли у коллектив ҳурматини қозонди. Зуҳри опа ойлик планларни доимо ошириб адо этади.

— Баҳромова бизнинг энг намунали ишчиларимиздан, ундан бошқалар ўрнак олсалар, арзийди,— дейди трест партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Абдусаломов.

Халқимиз етти йилликнинг улуғвор программасини бажаришга киришди. Бунга ҳар бир киши озми-кўпми ўз ҳиссасини қўшиш ҳаракатида. Зуҳри опа Баҳромова ҳам пойтахтимиз меҳнаткашларига трамвайда маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш ва юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш билан коммунизм қурилишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида меҳнат қилмоқда.

З. МИРПЎЛАТОВА.

СИРТДАН УҚИБ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДАЛАР

Икки йил бурун Чирчиқ шаҳрида Ўрта Осиё Политехника институтининг сиртқи бўлими ташкил этилган эди. Ҳозир бу бўлимда 1-2-курсларнинг ўзбек ва рус группаларида 360 дан ортиқ студент таълим олмоқда, дарслар икки сменада, ярталаб ва кечқурун олиб борилмоқда.

Бўлимнинг тайёрлов курси ҳам ишлаб турибди. Т. ҚУРҒОНОВ.

Пойтахтимизнинг серқатнов кўчалари ва одам кўп тўпланадиган жойларга газ сув сотувчи автоматлар ўрнатилди. Бундан ташқари, шаҳардаги айрим йирик озиқ-овқат магазинларида ҳам ана шундай автоматлар ишлаб турибди. Суратда: Куйбишев районидаги 81- магазинда ўрнатилган газ сувлар автоматидан меҳнаткашлар фойдаланмоқдалар.

М. Нуритдинов фотоси.

Қишлоқ ва шаҳарларимиз мевазор-кўкаламзор бўлади

Янгийўл. Машина-йўл станцияси ишчилари баҳорги кўкаламзорлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида 54-разъезд билан Янгийўл шаҳри ўртасидаги йўлнинг икки четига 5 минг тупга яқин клен, қайрағоч ва бошқа соя берувчи дарахт кўчатлари ўтқаздилар. Шунингдек Янгийўл районидаги Жданов номли ва «Коммунизм» колхози қарияларі, комсомол-ёшлари ҳам йўл четлари ва карталар атрофига кўплаб мевали ва соя берувчи дарахт кўчатлари ўтқазаётирлар. «Коммунизм» колхозида шу кунгача 1500 туп тол, тут ва терак кўчатлари экилди.

А. Нишонов,
А. Азимов.

* * *

Юқори Чирчиқ. Райондаги Крупская номли 10-ўрта мактаб ўқитувчи ва ўқувчилар коллективи ташаббуси билан шу кунгача мактаб атрофига 5000 тупдан ортиқ олма, ўрик, гилос, тол терак кўчатлари ва ток ўтқазилди. Шунингдек райондаги «Меҳнат бирлик» колхозининг қариялари ҳам кўчат ўтқазишда ғайрат кўрсатмоқдалар. Ҳозирга қадар кекса отахонларимиз томонидан йўл ёқалари ва карталар атрофига минг тупдан ортиқ турли дарахт кўчатлари экилди.

Ж. Тўқсонбоев,
Н. Аҳмадалиев.

* * *

Пискент. Райондаги Ленин номли, «Гулистон», Комсомол» кўчалари четига 2 минг тупдан ортиқ хилма-хил соя берувчи дарахт кўчатлари ўтқазилди. 1 ва 2-мактаб ўқувчилари мактаб атрофи ва унга яқин кўчаларни кўкаламзорлаштиришда актив қатнашмоқдалар.

С. Знёхўжаев.

* * *

Қорасув. Райондаги Муқимий номли ва 1 ,13, 14- ҳамда 4- ўрта мактаб ўқувчилари ўз мактаблари территориясини кўкаламзорлаштириш ишларини қизитиб юборишдилар. Ҳозиргача ҳар бир мактабнинг ўқувчилари 600 тупдан ортиқ турли мевали дарахт кўчатлари ўтқаздилар. Шунингдек райондаги «XXI партсъезд» совхозида боғдорчиликни янада ривожлантириш мақсадида бу йил 11 гектар ерга турли навдаги олма кўчатлари экилди. 3 гектар ерга эса 2500 туп тут кўчати ўтқазилди.

И. Рустамов.

Янги ерларни ўзлаштиришга 300 та завод маҳсулот етказиб бермоқда

Мирзачўл районига жойлашган темирйўл станциясига ер ишларини бажарувчи техника ва бошқа анжомларни ортган поезд составлари ҳар куни келиб туради. Сўнгги уч ой ичида «Главголодностепстрой» ташкилоти номига жуда кўп экскаватор, бульдозер, скрепер, кўчма ва стационар электростанциялар ва бинокорликда қўлланиладиган бир қанча техника анжомлари келди. Шу давр ичида «Янгиерводстрой» трестига Тошкентдан учта экскаватор, «Мирзачульводстрой» трестига Челябинскдан 10 та кучли бульдозер ва 15 та скрепер келди. Бундан ташқари қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун Брянскдан 14 та скрепер ва Орскдан 10 та транспортер келтирилди.

Бу йил Мирзачўл ерларини ўзлаштираётганлар ва Янгиер шаҳрини қураётганлар учун мамлакатимиздан 300 га яқин завод кучли техника анжомлари ва зарур механизмлар етказиб беради.

Е. ГОДОВИКОВ.

Доимий лекторий

Пойтахтимиздаги «Қизил тонг» фабрикаси маданият саройида ташкил қилинган доимий лекторий фабрика ишчи-хизматчилари билан бирга Ленин районидаги бошқа саноат корхоналари меҳнаткашларига ҳам намунали хизмат қилмоқда. Лекторий аъзолари аҳоли ўртасида турли темаларда мазмунли лекция ўқимоқдалар.

Яқинда Ленин район партия комитети ва сиёсий-илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг район бўлими лекторийнинг март-июнь ойларига мўлжалланган иш планини тасдиқлади. Лекцияларнинг тематикаси хилма-хилдир, айниқса илмий-атеистик пропагандага эътибор кучайтирилган. «Кишиларнинг дунё қараши», «Планеталар қандай ташкил топган», «Ҳаётнинг келиб чиқиши тўғрисида диний қарашлар», «Совет ер сунъий йўлдошлари ва космик ракета» каби ва бошқа темалардаги лекциялар шулар жумласидандир.

С. УСМОНХЎЖАЕВ.

Мактаблардан дараклар

Тошкентдаги 35-мактабда ўлкани ўрганиш тўгараги иштирокчилари «Муқимий» спектаклини тайёрладилар ва саҳнага қўйдилар.

Т. Солиев

* * *

Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоқ Совети марказида 500 ўқувчига мўлжалланган янги ўрта мактаб қурилмоқда. Мактабнинг 34 ўқув хонаси, лабораторияси ва спорт заллари бор. Мактаб янги ўқув йилида ишга туширилади.

А. Абдураҳмонов.

Суратда: Тошкент шаҳар спорт жамиятлари ва ташкилотлари совети ҳузуридаги ёшлар спорт мактабининг тренери ўртоқ Трефиль Куйбишев районидаги 61-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Лиля Коновалова билан тренировка машғулотини ўтказмоқда.

В. Надеждин фотоси.

Б И Л Д И Р И Ш

Шу йил 20 апрель эрталаб соат 11 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мажлислар залида Ўзбекистон журналистларининг I съезди очилади.

Делегатлар 18 ва 19 апрелда ташкилот бюроси секретариати ҳонасида (Правда Востока кўчаси, 34-уй, 2-қават, 33 ҳонада), 20 апрелда эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Съездга союз аъзоларининг билети ёки таклиф қоғозлари билан киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ ТАШКИЛОТ БЮРОСИ

Аҳолига маиший хизматни яхшилайлик

Редакциямизга келган хатлар ва район матлубот жамияти пайчиларининг район конференцияларида айтилган мулоҳазалар областимизнинг шаҳар ва районларида, посёлка ва қишлоқларида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш ва унинг маданиятини ошириш борасида анча ишлар қилинганлигини кўпгина сатрлар ташкилотлари, умумий овқатланиш корхоналари мол ва маҳсулот обороти планларини ой сайин ошириб бажармоқдалар, харидорбоп молларнинг турларини кўпайтирмоқдалар, овқатларнинг сифатини яхшиламоқдалар.

Бизга хат ёзиб юборган газетхонлар савдо ишидаги ютуқлар билан бирга, ҳали савдо-сотиқ ишларида жиддий камчиликлар борлигини, савдо хизмати ва маданияти аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабидан анча орқада қолаётганлигини ҳам таъкидламоқдалар.

Пискент район матлубот жамияти ўтган йили товар оборот планини анча ошириб бажарди, аҳолига плондан ташқари 187 минг сўмлик турли моллар сотди. Айниқса ёғоч тахта, цемент, шифер, тунука ва бошқа шу каби бинокорлик материаллари сотиш илгариги йилларга қараганда бирмунча яхшиланган. Бу ҳақда хат ёзиб юборган **Т. Имомов** мисоллар келтириб, жамият ишидаги жиддий камчиликларни ҳам очиб берган.

Оҳангарондан **Т. Шералиев**, Янгийўл районидан **К. Тошбоев, А. Абдураҳимов**, Мирзачўл районидан **И. Ҳайдаров** ўртоқлар Оҳангарон 1-ишчи кооперация коллективи ҳамда пахта (Эски Тошкент)даги 9-озиқ-овқат магазинининг мудири Б. Юсупов, Мирзачўл район «Москва» колхозидаги 8-магазин мудири Т. Умаров ўртоқларнинг товар обороти планларини доимо ошириб бажаратганликларини ёзиб юборганлар. Яна Янгийўл районидан хабар юборган ўртоқ А. Умаров Свердлов сельпосига қарашли магазинларнинг эскириб кетганлиги, ёғингарчилик пайтларда чакка ўтиб, молларнинг сифати бузилаётганлигини таъкидлаб, эски магазинларни ремонт қилиш ва янгисини қуришга эътибор берилмаётганлигини айтади. Коммунизм колхозининг Куйбишев участкасида қурила бошлаган сельмаг биноси учун 130 минг сўм ажратилган. Шундан 6500 сўм сарфланиб, бинонинг пойдевори қўйилган-у, шу билан иш тўхтаб қолган. Уни битказиш ҳақида ҳеч ким қайғирмайтир.

ХАТЛАРГА ОБЗОР

Ўрта Чирчиқ район, Қорасув қишлоқ советидаги 4-ошхонага кириб, бирор марта тузукроқ овқатланиб чиққанини ҳеч ким эслай олмайди. Қачон кирсангиз ифлос столлар устида овқат қолдиқлари, пивохўрлардан қолган балиқ суяклари ёйилиб ётади. Энди овқатланиш ва овқатнинг сифатига келганда асло қўяверасиз. Аввало овқат олишнинг ўзи бир машаққат. Ҳали чек нотўғри ёзилган бўлади, ҳали пул тўлаб келган овқатинг бўлмайди. Хуллас буфет билан кухня орасига 20 минут ичида қўйсан. Шу алпозда олган овқатингда на маза-ю, на матра бор! «Лагмон» деб илиқ сувга солинган хамирни, «Хўрди мастава» деб илитма ёвғонни ичиб чиқа берасан. Ошпаз Тўхтаохун Латиповга бирор гап айтиб қўйдиган одам районда топилмаса бундай «лаззатли» таомларни ҳали кўп истеъмол қиламиз. Энди буфетчи Зарницининг майда пул йўқ баҳонаси билан тийинларни уриб қолаётганлигини айтмай қўяқолайлик. **Т. Йўлдошев ва Ж. Холматовлар** ана шуларни ёзиб юборганлар.

Калинин районидан хат ёзиб юборган ўртоқ **Т. Раҳимов** шу район РТС ҳузуридаги 5-ошхонанинг ёпиб қолганлиги, район умумий овқатланиш бўлими ошхонани очиб, ишга туширишни ваъда қилган бўлса ҳам, қарийб 4 ойдан бери очилмаётганлигидан шикоят қилади. Ўрта Осиё Давлат университетининг студенти **Т. Ҳожиев** Скверда очиқ жойда савдо қилаётган ошхона ходимлари 60 тийинлик оби нонни 1 сўмдан сотаётганлиги, 30 тийинлик чойга индамасдан 1 сўм олиб қолаётганлиги, буни ошхона директори билса ҳам, билмасликка олиб юрганлигини ёзиб юборган. Ўртоқ **Б. Соибназаров** худди шунга ўхшаган воқеани қиқоя қилади. Унинг ёзишича, Мирзачўлнинг марказидаги 2 та катта ошхона ҳамма вақт ифлос ва тартибсиз бўлади. Бунинг устига официантка Оля Шектова ва Зоя Ховстовалар 3 сўм 25 тийинлик лагмонга 4 сўмдан, 3 сўм 19 тийинлик чучварага ҳам 4 сўмдан олмоқдалар. Ошхонада бундай ҳам бўйидан, ҳам энидан уриб қолишлар тез-тез бўлиб туради. Ўртоқ **М. Ниёзов** Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 19-ошхона (директори З. Антонова) да овқатларнинг тури ниҳоятда камлиги, борлиги ҳам сифатсиз тайёрланаётганлигини кўрсатиб берган.

Октябрь район саноат моллари бозоридаги чойхона одамлар билан ҳамма вақт гавжум бўлади. Лекин бу чойхонада маданий-оқартув ишларига ҳеч қандай эътибор берилмайди. Бозордаги Мирза Зокиров каби даллоллар чойхонани бозорга айлантираб юборганлар. Улар бозорга иш билан келган ишчи ва колхозчиларга тинчлик бермай савдо-сотиқ ишларини чойхонада бемалол юрита берадилар. Чойхона ифлос, чойнак, пиёлалар етишмайди. 30 тийинлик чойга 50 тийин ёки 1 сўмдан олинади. Ҳовосдаги Худойбердиполвон ишлаётган чойхонанинг иши устидан ҳеч ким контроль қилмайди. Чойхоначи Худойбердиполвон чойни ҳам овқатни ҳам ўзи билган баҳода сота беради. Чойхонада тунаб қолганлардан ҳеч қандай ҳужжатсиз 3 сўмдан пул йиғиб олади. Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг марказидаги чойхона кўпдан бери ремонт қилинмайди. Район ишчи кооперациясининг раиси ўртоқ Алимбоев бунга эътибор бермаётир. Алимкент қишлоғи областимиздаги энг катта қишлоқлардан биридир. Унда 12 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқда иккита чойхона бўлиб, қишлоқ аҳолиси ундан яхши фойдаланиб турган эди. Райпо раиси ўртоқ Саяпин чойхонанинг бирини ҳеч қандай асоссиз ёпиб қўйди. **А. Мирпўлатов, Ҳ. Рустамов, М. Ойдинов, Т. Раҳмонов, У. Жабборов** ўртоқлар ана шулар тўғрисида ёзиб юборганлар.

Район савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг раҳбарлари меҳнаткашларнинг хатларида кўрсатилган камчиликларни тезда тугатишлари ва жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашлари лозим.

Чет Элларда

Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг мажлиси

БЕРЛИН, 16 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг мажлиси бўлди. Мажлисда Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Отто Гротеволь ҳукумат баёнотини берди. О. Гротеволь ўз баёнотида таъкидлаб ўтдики, Германияни қайта бирлаштириш иккала герман давлатининг ишидир. Бу иш шу давлатларнинг аста-секин яқинлашувини таъминлайдиган конфедерация тузиш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Модомики, Ғарбий Германия ҳукумати конфедерация тузиш йўлидан боришни истамаётган экан, демак бир йўл, яъни иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш йўли қолади.

О. Гротеволь немис халқи урушдан кейин 14 йил ўтган бўлишига қарамай, сулҳ шартномасига эга эмас, бундай аҳволга ҳотима бериш зарур, деди. У ташқи ишлар министрларининг бўладиган кенгаши немис халқининг бу адолатли истагини эътиборга олади, деб умид билдирди.

О. Гротеволь Берлин масаласи ҳақида гапириб, бу масала юзасидан СССР ва Германия Демократик Республикасининг таклифлари фақат бир мақсадни, у ҳам бўлса — Ғарбий Берлиндаги «совуқ уруш» плацдармини тугатиш мақсадини кузатади, деб таъкидлади. Шу муносабат билан у бутун Берлин устидан бирор контроль ўрнатиш ҳақидаги таклифларни асоссиз таклифлар деб рад этди.

О. Гротеволь Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг сулҳ шартномаси тўғрисидаги масалада ягона герман нуқтаи назарини ишлаб чиқиш йўлида зўр ғайрат билан иш кўраётганлигини эслатиб ўтди. У Германия Федератив Республикаси ҳукуматини Ғарбий Германияда халқ оммасининг тинчлик ва хавфсизлик йўлида ўсиб бораётган интилишига қаршилик кўрсатмасликка даъват этди ҳамда Германия Демократик Республикаси ҳукумати Женевадаги кенгашда ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқиш мақсадида Ғарбий Германия ҳукумати билан музокаралар олиб боришга тайёр эканлигини айтди.

Пировардида О. Гротеволь ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида Германия Демократик Республикаси делегацияси амал қиладиган принципларни баён этиб берди.

БЕРЛИН, 16 апрель. (**ТАСС мухбири**). Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг Министрлар Совети Раиси О. Гротеволь томонидан Халқ палатасининг бугунги мажлисида эълон қилинган баёнотини муҳокама қилишда Халқ палатасидаги ҳамма фракцияларнинг вакиллари қатнашдилар. Улар ҳукуматнинг баёноти Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Берлин масаласини демилитаризация қилинган Ғарбий Берлин аркин шаҳрини вужудга келтириш йўли билан ҳал этиш гоят зарурлигини яна бир марта кўрсатди, деб таъкидладилар. Депутатлар айтдиларки, бу масаланинг ҳал этилиши иккала герман давлатидаги аҳолининг энг хилма-хил табақалари манфаатларига жавоб беради. Сулҳ шартномасининг тузилиши Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доираларнинг миллатга қарши хавфли сиёсатига хотима берган бўлур эди, Германияни тинч асосда қайта бирлаштириш йўлини очиб берган бўлур эди. Германияни қайта бирлаштириш эса немис халқининг нуқул ўз ишидир.

Нутқларда яна уқтириб ўтилдики, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш немис халқининг тинч истиқболига эришиш калидидир. Сулҳ шартномаси Европа халқларини герман милитаризмининг янги агрессиясидан сақлайдиган гарантия бўлади, Ғарбий Германия аҳолисини Германияда атом уруши хавфидан ва қуролланишнинг доим ўсиб бораётган оғирликларидан халос қилади. Фракцияларнинг вакиллари Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг баёнотини маъқуллладилар. Улар ҳукуматнинг Германия ва Берлин масалаларини ҳал этиш йўлидаги ҳаракатларини табрикладилар.

Сўнгра депутатлар Германия Демократик Республикаси Халқ палатасидаги ҳамма фракцияларнинг биргаликдаги резолюциясини бир овоздан қабул қилдилар.

Шу йил 16 апрелда, дейилади резолюцияда, Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси ташқи ишлар министрларининг Женевада бўладиган кенгаши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси, бош министр О. Гротеволь бу масала юзасидан ҳукумат баёнотини эълон қилди. Халқ палатаси бу баёнотни батафсил муҳокама қилиб чиқди ва маъқуллайди. Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси Ғарбий Германия бундестаги депутатларига мурожаат қилиб, ҳукуматнинг шу баёнотида айтилган идеяларни ўрганишни таклиф қилади.

Бундан ташқари, Халқ палатаси бутун немис халқининг манфаатлари йўлида, иккала герман парламентларининг вакиллари тинчликни таъминлашга хизмат қиладиган тадбирларни ҳамда Германияни қайта бирлаштириш мақсадида иккала герман давлатининг конфедерациясини вужудга келтириш йўлида шундан кейин кўриладиган чораларни биргаликда муҳокама қилиш учун ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашига қадар учрашишлари зарур ва мумкин деб ҳисоблайди.

Халқ палатаси президиуми Ғарбий Германия бундестагининг депутатлари билан ана шундай биргаликдаги кенгашни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида, шунингдек Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси депутатлари делегациясининг состави тўғрисида зарур қарорлар қабул этиш учун вакил қилинади.

Халқ палатаси бугунги мажлисда қишлоқ хўжалик кооперативлари тўғрисида қонун лойиҳасини биринчи ўқишдан кейин муҳокама қилди. Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Пауль Шольц шу қонун лойиҳасини асослаб берди.

А. ТЮПАЕВ.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ УМУМ ХИТОЙ МАЖЛИСИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИГА ДОИР

ПЕКИН, 16 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Халқ вакиллари иккинчи чақириқ Умум Хитой мажлисининг биринчи сессияси 18 апрелда расмий равишда очилади. 17 апрелда тайёргарлик мажлиси ўтказилади.

Янги чақириқ Халқ вакиллари Умум Хитой мажлисининг депутатлари ҳукуматнинг иши тўғрисида ҳисобот докладини тинглайдилар, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959 йилги планини тасдиқлайдилар, давлат планининг 1958 йилда бажарилишини ва 1959 йилги Давлат бюджетини тасдиқлайдилар, шунингдек давлат раҳбарларини сайлайдилар.

ҲИНД ВА ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК УЧУН

ДЕҲЛИ, 16 апрель. (ТАСС). «Свадхината»нинг хабар беришича, Барода шаҳрида (Бомбей штати) ҳинд-хитой дўстлиги жамияти миллий кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда қабул этилган резолюция ҳинд халқини Ҳиндистон билан Хитой халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун, Осиё ва Африка халқларининг мустақиллиги ва бирдамлиги учун, умумий тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашни кучайтиришга даъват қилмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг ички ишларига империалистик давлатларнинг аралашаётганлигини қоралаб, резолюция Хитой Халқ Республикасига Бирлашган Миллатлар Ташкилотида унинг қонуний ҳуқуқлари берилишини ҳамда Америка қуролли кучларининг Тайвандан олиб чиқиб кетилишини талаб қилмоқда.

ЛИВАН БОШ МИНИСТРИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БАЙРУТ, 16 апрель. (ТАСС). Ливан бош министри Рашид Карамий матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Ливан бундан буён ҳам бетарафлик сиёсатини ўтказади ва ўзининг конфликтларга тортилишига йўл қўймайди, деган.

ДАЛЛЕСНИНГ ИСТЕЪФОСИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 16 апрель. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлигининг хабар беришича, президент Эйзенхауэр давлат секретари Даллеснинг истеъфосини бугун расмий равишда қабул қилган ҳамда уни ташқи сиёсат масалалари юзасидан ўзининг шахсий маслаҳатчиси ва давлат департаментининг маслаҳатчиси қилиб тайинлаган.

Телевизор экранида

18 АПРЕЛДА

19.30. 10- синф ўқувчилари учун «Етуклик аттестати билан» деган эшиттириш.

20.00. «Тинч пристанда» деган кино-комедия.

21.15. Сўнгги ахборот.

21.35. Киножурнал.

21.45. Телетамошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ *таныш залларида*

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/IV да **Йўлчи юлдуз**, 19/IV да кундуз **Юрак ёнмоғи керак**, кечқурун **Алишер Навоий**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18, 23, 25/IV да янги спектакль **Демон**, 19/IV да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Дилором**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 18/IV да **Ватан ишқи**, 19/IV да кундуз **Зафар**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 18 ва 19/IV кеч соат 8 яримда **Ўзбекистон санъат усталари концерти**. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Аттракционлар: **Тереза Дурова** ўргатган ҳайвонлари билан, **Доғистон «Цовкра» дорбозлари**, полвон **Рублев** ва бошқа номерлар. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта тамоша кўрсатилади, (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

«ВАТАН» — кундуз ва кечқурун янги кенг экранли фильм **Булутли тонг** (3- серия).

«ФЕСТИВАЛЬ» кинотеатри (ёзги «Искра») — кеч соат 8 яримда кенг экранли фильм **Булутли тонг** (3- серия).

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Ғилдираклар овози остида**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Узоқ орол сири**, кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Буни унутиб бўлмайди**.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиданинг Киноустановка экранларига

ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

КИЕВЛИК ҚИЗ

НОМЛИ КИНОПОВЕСТНИНГ ИККИНЧИ СЕРИЯСИ

Сценарий автори — **Игорь Луковский**.

Постановкачи — **Тимофей Левчук**.

Режиссёр — **В. Конарский**.

Р о л л а р д а:

Б. Чирков, П. Куманченко, Н. Иванова, А. Шестопалов, И. Переверзев, Ю. Максимов, О. Жаков, Г. Ильина, Л. Калачевская, Н. Зорская, Ф. Радчук, А. Бунин, П. Михневич, Л. Татьянчук, А. Соколова, А. Толстих, Л. Данчишин, П. Паньев, Т. Коваленко, М. Криницина, В. Зиновьев, В. Судин, М. Бобожонов, И. Любич, Ю. Прокопович, В. Емельянов, Л. Бордуков, А. Подорожний, Л. Вертинскаялар қатнашади.

Фильмни А. П. Довженко номли Киев бадиий фильмлар киностудияси ишлаган.

Кўзали қиз

номли бадиий фильм

(**Лопе де Веганинг** шу номдаги пьесаси асосида ишланган).

Сценарий автори — **Антонио Мас-Гиндал**.

Режиссёр—**Флориан Рей**.

Оператор — **Тэд Пале**.

Р о л л а р д а:

Пакита Рико, Петер Дамон, Рафаэль Аркос, Мануэль Кайсер, Арсенио Фрейгнак, Марче Бальестерос, Эмилио Алонсо Феррер, Антонио Пуга, Касимиро Уртало, Перес де Леонлар қатнашади.

Фильмни Испаниядаги «Атенеа ва Чамартин» студияси 1953 йилда ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри — **В. Войтецкий**, овоз операторлари— **З. Карлюченко**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 137. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими, — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 115, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 05154. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Б. 1574.